



HURRIYAT

O'zingni angla!

Mustaqil gazeta

2018-yil 21-fevral, chorshanba

№ 8 (1070)

1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.hurriyat.uz

ЎЗБЕКИСТОН ДЕГАН ДАВЛАТ БАРҚАРОР ТУРИШИ УЧУН ЯНА НИМАЛАР ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК?!

Миллат бақоси учун эртаю кеч тинимсиз ишлаяпман, деб ўзини овутаётган, аслида Фаробий, Хос Ҳожиб, Махмуд Қошғарий, Макиавелли, Кози Муҳаммад, Достоевский, Толстой, Бехбудий, Збигнев Бжезинский, Генри Киссенжерларнинг асарларини ўқимаган масъулларнинг лаёқатлилиги ёлгон!

⇒ 4-5-бет

КИЙИНИШ МАДАНИЯТИНИ ким қандай тушунади?

Зап замонлар бўлди-да! Бундан йигирма йиллар аввал "кийимингиз йиртилиб ёки сўкилиб кетибди" дейишса, уялиб ўзимизни пангага олардик, шарманда бўлишдан чўчиб эдик. Йиллар ўтиб, юз бераётган ўзгаришлар одамларимизнинг кийим борасидаги қарашларини ҳам кескин ўзгартириб юборди.

⇒ 6-бет

БОЛАЛАР

қандай асарларни истайди?

Узоқ йиллар бурун болалар орасида Фафур Фуломнинг "Шум боласи"ю Худойберди Тўхтабоевнинг Ҳошимжони маълуми машхур эди. Буни қарангки, Қоровою Ҳошимжон бугунги болалар кўнглини ҳам забт этган. Бироқ янги қахрамондан дарак йўқ.

⇒ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида мактаб-гача таълим тизimini ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар натижаси таҳлилига бағишланган видеоселектор бўлиб ўтди.

15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизimini жорий этиш тўғрисида"ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Фармацевтика тармоғини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори матбуотда чоп этилди.

15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташир билан келган АҚШнинг "Женерал электрик" компанияси вице-президенти Рональд Жеймс Поллеттни қабул қилди.

15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилатган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 16-17 февраль кунлари Бухоро вилоятида бўлди.

20 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

КҮН МАВЗУСИ

Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги 27- ва 36-умумтаълим мактабларида ўтказилган китоб акцияси шундай номланди.



КИТОБ – САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЎЙ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тартиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилатган ислохотлар жараёнида аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобга кизиқишини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга алоҳида эъти-

бор қарантилатгани таъкидланди. Акцияда ташкилотчилар томонидан "Ўзбекистон", "Ўқитувчи", Фафур Фулом ва Чўлпон номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйлари, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган ва миллий кадрларимиз, бой тарихимиз акс этган 5 мингдан зиёд бадиий, илмий-оммабоп китоблар жамланмаси ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан тайёрланган 1 минг 200 дан ортқ турли номдаги электрон адабиётлар тумандаги 51 та умумтаълим мактабига тарқатилди.

Китоб ўқиш инсон дунёқарашини кенгайтириб, билимини ошириш билан бирга, ҳаётга теран нигоҳ билан қарашга ўргатади, дейди тумандаги 27-умумтаълим мактаби директори Яйра Усмонова. — Фарзандларимизда ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара асарларини болаликдан бошлаб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш бугунги глобаллашув даврида янада улкан аҳамият касб этади. Айни пайтда таълим муассасамизда 267 ўқувчи замонавий паронитларда тахсил оломқда. Акция доирасида ташкилотчилар томонидан кутубхона-

мизга китоблар тақдим этилганидан ўқитувчилар, ота-оналар, айниқса, ўқувчилар жуда хурсанд бўлди. Бу каби акцияларни вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам ўтказиш, китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Тадбир доирасида буюк шонр ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллигига бағишланган давра суҳбати ҳам ўтказилди. Унда ўқувчилар томонидан Бобур ғазаллари ва рубоийларидан намуналар ўқилди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири

Тадбиркорлар билан учрашув

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида ноширлик ва матбаачилик соҳасида фаолият юритаётган хусусий корхоналар раҳбарлари ва тадбиркорлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда Агентлик Бош директори Л.Тангриев Президентимиз фармон ва қарорлари билан ноширлик, матбаа йўналишида амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида алоҳида тўхталиб, ушбу соҳани янада тараққий топтириш йўлида мунтазам изланиш ҳамда тармоққа инновацион юзларни кенг жалб этиш кераклиги ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Муҳокамалар жараёнида тадбиркорлар томонидан бир қанча таклифлар илгари сурилди. Шунингдек, улар қороз ва бошқа матбаа хомашёларини харид қилишда айрим муаммоларга дуч келишга танини айтиб ўтишди.

Қолаверса, баъзи хусусий босмахоналарда китоб маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун матбаа ускуналари билан тўлиқ таъминланмагани, яъни қатта ҳажмдаги буюртмаларни бажаришда чоп этиш, тикшиш, муқовалаш ускуналарининг қуввати етишмаслиги таъкидланди, бу борада матбаа корхоналари ўртасида ўзаро кооперация бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Учрашувда давлат буюртмаларини сифатли бажариш ҳамда амалдаги стандартлар талабига тўлиқ жавоб берадиган матбаа хизматларини кўрсатиш масалалари ва 2018–2019 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари дарслиқларини чоп этишда хусусий секторнинг ролин янада ошириш бўйича фикр алмашилди.

Ўз мухбиримиз



Журналистика соҳасида "ОЛТИН ҚАЛАМ" XIII миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позиция-

ларини намоён этишлари учун кенг шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий мушоҳада ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш ва рағбатлантириш мақсадида "Олтин қалам" XIII миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

Танлов шартлари:

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда Интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 талдан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар (CD, DVD дискда) 3 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак.

Матбуот ва Интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);
- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2018 йил 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзила юборилиши лозим:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават.

Телефонлар: 244-64-61, 244-37-87.

www.journalist.uz

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР ТАЪСИС ЭТИЛГАН:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот
Ғолиб маҳсули диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-уринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-уринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма оммавий ахборот воситалари – 1-, 2-, 3-уринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-уринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:

оммавий ахборот воситаларида китобхонлик маданияти тартиб қилинган энг яхши материал учун;

чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материал учун;

энг яхши фоторепортаж;

энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, "Олтин қалам" статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фонднинг молиявий қўмағида амалга оширилади.

Шунингдек, миллий ҳамкорлар ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО каби қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва элчихоналар ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган (илова қилинади).

Газета — энг яқин дўст, маслақдош ва ҳилолчи ҳамдир

Ўқинг, баҳра олинг ва уни дўстларингизга ҳам ҳадя этинг.

"Hurriyat" да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.



"HURRIYAT"
ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ
ДОИМИЙ
ҲАМРОҲИНГИЗ
БЎЛИШИГА
ИШОНАМИЗ!

2-бет

Журналистика соҳасида "ОЛТИН ҚАЛАМ" XIII миллий мукофоти

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

«Энг катта масала — логистика, буни чуқурроқ ўйлаш керак. Автобус ва метро логистикаси шундай ақлли бўлсинки, буни одамлар сезсин. Ҳар куни мониторинг қилиш керак — қаерда тирбандлик бор, қаерда одамлар кўпроқ норози бўляпти, қайси бекатларда қай вақт одам кўп, тирбандлик қаерда, қачон пайдо бўляпти, унинг логистикаси қандай? Мана шу масалаларни ҳам ўйлаш керак», — деди Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жорий йил 9 февраль куни пойтахтимиз туманларида олиб борилган ободонлаштириш, қурилиш-бунёдкорлик ишлари билан танишиш пайтида.



АРЗОН, ҚУЛАЙ, ХАВФСИЗ


Тошкент метрополитени истиқболлари

Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги Қарори билан «Тошкент метрополитени» унитар корхонасининг «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тарқибига кириши мақсадли вазифаларнинг муҳим босқич бўлди. Ҳозирги кунда жадал бунёд этилаётган Сергели йўналиши метрополитенининг олдинги қурилишларидан фарқи ўлароқ, поездлар ер устида ҳаракатланади. Асосийси, метро линияси турар-жой мавзелари, ишлаб чиқариш, савдо ва дам олиш масканлари жойлашувига қўра, муҳандислик-геологик шароитларни инобатга олган ҳолда бунёд этилмоқда. Ушбу линия тўлиқ ишга тушгач, Тошкент метрополитенида йилга 14 миллиондан ортиқ йўловчининг узоғи яқин бўлади.

лиш ишларига жалб этилган. Германиядан келтирилган ер ости туннелини қазийдиган комплекс, бурғулаш ва темир-бетон қозоқ қоқиш техникаси ГФР ва Хитой кранлари ишламоқда. Метро участкасининг қурилатган қисми 2,9 километрни ташкил этади ва 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган мазкур лойиҳа беш босқичда амалга оширилиб, 2019 йилда тўлиқ фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. 1977 йилнинг 7 ноябрь кунидан доимий ҳаракатлана бошлаган, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг сый-хара-

Аҳоли зич ҳудудлардан бири бўлган Юнусобод туманида узунлиги 7,6 километр, 6 та бекатдан иборат метро йўналишининг биринчи босқичи 2001 йилда ишга туширилган эди. Айни дамда, ушбу йўналишнинг иккинчи босқич қурилиш ишлари жадал бормоқда. Тошкент шаҳрида ер усти халқа метро линиясининг жами узунлиги 54 километрни ташкил этиб, йўлнинг 51 километри бандлиги 6 метрлик эстакадалар орқали ўтказилади.

лиги 10,5 километрни ташкил этиб, олти бекатни ўз ичига олади. Метрополитен бекатларини ташкил ва ички дизайнини жаҳон андозаларига мос равишда яхшилаш, қулай ва юқори хавфсизлик тизimini яратиш ҳамда замонавий вагонлар билан таъминлаш борасида, жумладан, Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводида вагонларни капитал таъмирлаш, қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда.



1977 йилнинг 7 ноябрь кунидан доимий ҳаракатлана бошлаган, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг сый-хара-кати билан Ўрта Осиёда ягона Тошкент метрополитени бунёд этилган эди. Кирк йилдан зиёд вақт халқимизга хизмат кўрсатиб келаётган метрополитенининг келгуси ривож ва равнақи ҳар биримизни қувонтирмай қолмайди, албатта. Метронинг янги йўналишлари қурилиши Истиклол йилларига тўри келди. Жумладан, Юнусобод йўналиши бозор иктисодиёти шароитида қуриб, ишга туширилди. Унинг узун-

Сабоҳат СУЛТОНОВА



Бошланғич 1-бета

МИЛЛИЙ ҲАМКОРЛАР ТАЪСИС ЭТГАН НОМИНАЦИЯЛАР

Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгаши: 1. «Меҳнат муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун». 2. «Ижтимоий шериклик мавзуси ёритилган энг яхши материал учун». Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди: 1. «Инновацион ғояларни тарғиб этган энг фаол журналист». 2. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижросини ёритган энг фаол журналист».

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАР ТАЪСИС ЭТГАН НОМИНАЦИЯЛАР

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси «Инсон ҳуқуқлари бўйича Конвенциянинг 70 йиллигига бағишланган энг яхши материал учун» (таълим, маданият ва оммавий ахборот воситалари соҳалари бўйича).

Project NOPE (ЮСАИД дастури) (АҚШ) 1. «Сил касаллигининг олдини олиш ва даволаш масалалари ёритилган энг яхши материал учун». 2. «Сил хасталигига чалинган беморларга нисбатан бағрикенглик» мавзусидаги энг яхши материал учун».

D W W International (Германия) «Шахс ва жамият ривожига катта ёшдагиларни ўқитиш/бошқа касбга йўналтиришнинг ўрни ҳақидаги энг яхши материал учун» (фақат босма ва он-лайн ОАВ журналистлари учун).

«Минтақавий мулоқот» халқаро ташкилоти (Словения) «Коррупцияга қарши кураш ёритилган энг яхши материал учун».

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси «Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги алоқалар ривожига ҳақидаги энг яхши материал учун».

XXРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси 1. «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги самарали ҳамкорлик ёритилган энг яхши материал учун». 2. «Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожига ҳақидаги энг яхши материал учун». 3. «Бир макон — бир йўл» қурилиши ёритилган энг яхши материал учун.

Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси 1. «Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги энг яхши материал учун» (пойтахт журналистлари учун). 2. «Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги энг яхши материал учун» (худудий журналистлар учун). 3. «Ўзбекистон ва Туркия ўртасида туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун» (худудий журналистлар учун).

Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги Озарбайжон маданият маркази 1. «Ўзбекистон ва Озарбайжон: Буюк ипак йўлида қадим замонлардан бугунга қадар». 2. «Ўзбекистон ва Озарбайжон — кўп миллатли ва бағрикенг мамлакатлар» мавзусидаги энг яхши материал учун».

Марказий Осиё минтақавий экология марказининг филиали (РЭЦША) «Сув-экология мавзусидаги муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган энг яхши материаллар учун» (иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида сувни тежаш борасида амалга оширилаётган ишлар). Фотомухбирлар, босма ва электрон ОАВ журналистлари учун 3 та номинация.

Гёте институти «Ўзбекистоннинг маданият соҳасидаги сиёсати масалаларига бағишланган энг яхши материал учун».

Шу билан бирга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва Грузия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳам ўз мукофотлари билан иштирок этишни режалаштирмоқда.

АДОЛАТ ҳаётимиз мезони бўлиши даркор

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси барча соҳалар қатори суд тизими зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Мурожаатномада қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Дарҳақиқат, ўтган бир йил давомида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг қўлдан ишлар бошланди. Хусусан, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳеч қайси ҳокимият бўғинига бўйсунмайдиган орган — Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Кенгаш ёрдамида судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлашда ташриҳчи жамоатчилик назорати ўрнатилди. Давлатимиз раҳбари соҳаларда ислоҳотларни давом эттириш лозимлигини таъкидлаб экан, «халқимиз ҳамма нарсадан устун қўйдиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт» дея барчамизни ушбу тамойилга қатъий риоя қилишга даъват этди. Мурожаатномада азалдан одамларимизга хос бўлган ке-чиримлилик, бағрикенглик хислатларидан келиб чиқиб, жинсий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиш лозимлиги қайд этилди. Ҳатто айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва либераллаштириш, жинсий жазоларни инсонпарварлик нуқтани назардан ўзгартиришга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида ҳам таъкидланган. Эн-

мақсадида барча жазони ижро этиш муассасалари, вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналари видеокузатув воситалари билан жиҳозланиши назарда тутилган. Бундан ташқари, судларнинг халқ олдидаги масъулиятини ошириш мақсадида янги тайинланаётган судьялар тегишли ҳудуд жамоатчилиги, маҳалла фаоллари муҳофазасидан ўтказилмоқда. Фуқароларнинг ижобий фикри мавжуд бўлган тақдирдагина улар лавозимга тайинланаётган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида шарҳда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 11-моддасига мувофиқ қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекинш, қандай сабабларга қўра юз берганидан қатъий назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади» дея қайд этилган. Давлатимиз раҳбари ушбу фармонда ҳам, Мурожаатномада ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражаси эътиборини мазкур талабларга қатъий ва оғишмай риоя этиш зарурлигига қаратмоқда.

Қисқаси, ушбу ислоҳотлардан мақсад жамиятимизда инсон омилининг энг олий қадрият эканини ҳамиша ёдда тутиш, халқ тилида айтганда, ўз вазифамизни юзи ёрурлик билан адо этишимиз зарур.

Ориф ҚИЛИЧЕВ, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси

Ал-Хоразмий издошлари

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Президентимиз қарори билан ташкил этилган «Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб»нинг очилиши фарзандларимиз учун улкан имкониятлар эшигини очди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиб бориши, мазкур соҳага кадрлар тайёрлаш масаласини долзарб вазифага айлантирди. Хорижий давлатларда коммуникация технологиялари халқ хўжалигининг барча соҳаларига жорий этилган бўлиб, у сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий соҳалар ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Иқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиши ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига янгидан-янги инвестицияларнинг киритилишига олиб келади.

Улуғ аждодимиз Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабнинг очилиши аҳолининг қўлига келди. Ушбу мактабнинг асосий вазифалари эътиборга олинган. «Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб»нинг очилиши аҳолининг қўлига келди. Ушбу мактабнинг асосий вазифалари эътиборга олинган. «Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб»нинг очилиши аҳолининг қўлига келди.

«Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб»нинг очилиши аҳолининг қўлига келди. Ушбу мактабнинг асосий вазифалари эътиборга олинган. «Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб»нинг очилиши аҳолининг қўлига келди.

«Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб»нинг очилиши аҳолининг қўлига келди. Ушбу мактабнинг асосий вазифалари эътиборга олинган. «Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб»нинг очилиши аҳолининг қўлига келди.

Наргиза БОБОМУРОВА, "Hurriyat" мухбири

Оила муаммоси БИРНИКИ ЭМАС!

► ФАРМОН ВА ИЖРО

Аёл гўзаллиги оламни чароғон этса, меҳри тош юракларни-да эритишга қодир. Унинг сиймоси, қалб-қўри эса дилбандлари чехрасида, хулқ-атворида намён. Аёлни авайлаб-асраган юртнинг келажаги ҳам порлоқ бўлади. Бугунги кунда хотин-қизлар ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими, sanoat ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаларида самарали фаолият олиб бормоқда. Улар фан, санъат, маданият ва спортда юқори марраларни забт этишмоқда. Қишлоқ аёллари эса ҳеч иккинчи гектар-гектар ерларга бош бўлиб, фермерликда ҳам ўрнак бўлмоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта. Бироқ ёрдамга муҳтож, ногирон, ишсиз, ижтимоий аҳоли оғир хотин-қизларимиз ҳам борки, уларнинг тақдирига бефарқ қараб бўлмайди.



Жумладан, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиши, 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ФХДЁ органлари, уларнинг никоҳ муносабатларига оид актларни расмийлаштириш, оила институтини мустахкамлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) хокимликларига бўйсундирилиши, "Хотин қизларини ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди" ҳамда оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари тузилмаларида "Аёллар маслаҳатхоналари"нинг ташкил этилиши, Зуфия номидаги давлат мукофотини олиш тартибига ўзгартиришлар киритилгани, "Муътабар аёл" кўкрак нишонининг таъсис этилиши — ҳамма-хаммаси эзгуликка хизмат қилиши шубҳасиз.

— Бугун юртимиз аҳолисининг 49,4 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши ҳеч биримизга сир эмас. Улардан кўпчилиги турли соҳаларда ишламоқда. Айниқса, таълим соҳасида.

кадриятларини мустахкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилади. ФХДЁ органлари фаолияти йўналиши бўйича туман (шаҳар) хокимликларига бўйсундирилади. Носорлом оила мухитини бартараф этиш, оилавий келишмовчиликларни вақтида хал этиб, уларга барҳам бериш бугунимиз ва келажимиз учун ниҳоятда муҳимдир. Мазкур Фармон эса аёллар 14 йил мобайнида кутган энг долзарб ва зарур меъерий ҳужжат бўлди, десам муболага бўлмайди.

Ўрганишлар натижасига кўра, бугун ёш оилаларнинг аксарияти қизқонлик, масъулиятсизлик оқибатида бузилмоқда. Ана шундай иллатга чек қўйиш мақсадида Президент Фармонда кўзда тутилганидек, эндиликда ёш қизларни юксак одоб-ахлоқ таъминини қўллаш қатор муаммоларга барҳам беради. Аввало, жойларда "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилади. Эндиликда оила аталмиш муқаддас даргоҳга ҳурмат ва эътибор янада кучаяди. Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, жорий йилнинг 1 апрелидан фуқаролар йиғинларининг диний тартиб ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатхоналари лавозими ўрнига тегишли штат бирликларини туман, (шаҳар) хотин-қизлар кўмиталари тузилмасига ўтказган ҳамда маҳаллий бюджет мабларлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда хотин-қизлар билан ишлаш ва оила-ларда маънавий-ахлоқий

да носорлом фарзандларнинг дунёга келадигани ёки хали оиллага тўла тайёр бўлмаган келинчак саломатлигидаги ноҳусо ҳолатлар оила мустахкамлигига путур етказмай қўймайди. Оқибатда жамиятни ташвишга солаётган ажралиш муаммоси илдириб олиб бораверади.

Шунингдек, ёш-атрофида истикомат қилаётган имконияти чекланган, ишсиз ёхуд буюқчиликни йўқотган аёллар, ёлғиз она-лар, ижтимоий аҳоли оғир хотин-қизларнинг қанчадан-қанча дарду ташвиши бор. Тан олиш керак, бугун уларнинг барчаси тўла аниқлангани ва қамраб олинганича йўқ.

Истардикки, Фармонда кўрсатилган ҳар бир банд, мутасаддилар учун дастуриямал ва виждон иши бўлиб, юқлатилган ҳар бир вазифа шунчаки қозғоғда эмас, амалда ўз ижобий ечимини топсин. Санаб ўтилган муаммоларни бартараф этишда ҳам фақат тарбия-ташвиқот ишлари билан чекланмай, жамиятнинг ҳар бир қатламга чуқур кириб бориб, ҳар бир оилада бўлиб, уларнинг яшаш тарзини бевосита қузатиб, атрофича ўрганиб, ёш оилалар билан юзма-юз суҳбатлар қуришга, моддий ё маънавий ёрдамлар кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўларди, назаримизда. Ҳар не бўлганда ҳам хотин-қизлар масаласи ва оила муносабатлари жамиятимизда бирламчи ўрнини эгаллайди. Шу боис, бу йўналиш фаол ҳаракат ва тивимиз изланиши талаб этади.

Гўзал МАЛИКОВА,
"Hurriyat" мухбири

► ОГОҲЛИК

Ёнғинларнинг олдини олиш, қанчалар талофат билан бартараф этиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан қатор профилактик ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, ёнғин хавфсизлиги ходимлари ҳамда ички ишлар идоралари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ўзини ўзи бошқариш органлари, турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг қамровли огоҳлантирувчи тадбирлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.

БЕПАРВОЛИК — ИЛЛАТ

Бунда туман ЁХБ ходимлари томонидан уларга бириктирилган ҳудудларда аҳоли турар жойларини ўрганиш, ёнғинларга олиб келувчи омилларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар қўлланилиб, хонадонлар ёнғинга қарши қурашши йўриқнома-лари билан таништирилмоқда. Тегишли идора вакиллари ҳамкорлигида маҳалла ҳудудларида ёнғинларнинг олдини олишга ва фуқароларнинг масъулиятини оширишга қаратилган давра суҳбатлари, учрашув ва тушунтириш ишлари олиб борилаётди. Барча ҳудуддаги тарбияот ва ташвиқот жараёналарида қуйидаги маълумотлар батафсил тушунтириб берилади: ҳар бир киши иш жойида ёки хонадонда, қаерда бўлишидан қатъи назар, ёнғин содир бўлса, биринчи навбатда ўз хавфсизлигига, қолаверса, шу жойдаги бошқа фуқароларнинг хавфсизлигига эътибор қаратиши зарур. Бу борада, биринчи навбатда керак бўладиган жараён — эвакуация йўллари яхши билишидир.

Айтиб ўтиш жоизки, барча содир бўлаётган ёнғинлар бепарволик, докандлик сабабли келиб чиқади. Битта талофат ортидан қанча инсонлар ҳаётига хавф туғилади. Масалан, маҳаллаларда бир-бирига жиқлашиб қурилган ва янгидан барпо этилаётган уйлари қўриб чиқадиган бўлса, бир хонадон том қисми ёнса, албатта, қўшни томга ўтиб, натижада, бир эмас, балки, беш-олтига уйлар олов қаърида қолиб кетмоқда. Масалан, Чилонзор туманининг Бобоқўда кўчасида қурилган 26, 24, 28, 30 ва Бобоқўда 1-тор кўчаси 65-, 57-уйларда том қисми орқали олов 6 та хонадонга тарқалиб кетган.

Хулоса қилиб айтганда, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки, ҳар бир фуқаро, барча қорхона-ташкilot, тадбиркорлик субъектларининг зиммасидаги бурчдир. Шу боис, ҳар биримиз чекимиздаги масъулиятни ваъжидан адо этсак, сергаж ва огоҳ бўлсак, ёнғин хавфсизлиги қондаларига тўла амал қилиб, бепарволикдай иллатдан холи, ноҳусо ҳолиса, ортиқча талофат, инсон ҳаётига туғилмаган хавфнинг олдини олган бўлаемиз.

Д.МАЛИКОВ,
Тошкент шаҳри ИИББ ЁХБ ХТБ
муҳандиси, сержант

► ИСЛОҲОТ ВА ИМКОНИЯТ


Ўзбекистон афсонавий диёр. Қадимий ва бой тарихи, юксак умуминсоний ақидалари дунё тамаддунига беқиёс ҳисса бўлиб қўшилган. Жўроғий жиҳатдан Марказий Осиё юрагида жойлашган. Халқаро сайёҳлик ва туризм бўйича катта салоҳиятга эга. Мамлакатимизда сақланиб қолган бебаҳо маънавий меросимизни жаҳон илм-маданияти мулжга айлантириш, минтақадаги улкан туризм салоҳиятидан оқилона фойдаланиб, сайёҳликнинг янги йўналишларини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев кўлаб чиқишларида туризм соҳасини тубдан ўзгартириш, ноёб обидаларимиз қандай бўлса, шундайлигича тарбия қилиш ва халқаро алоқаларини ривожлантиришимиз ҳақида тўхталиб, туризм халқимиз йил ўн икки ой оқибатда бўладиган пахтачиликка нисбатан бир неча баробар кўп даромад келтириши таъкидлагани бежиз эмас. Зеро, муқаддас заминимизда не-не азиз авлиёлар, улуг саркарданлар ва маърифат элчилари етишиб чиққан. Уларнинг оламшумул ишлари, қўли ва ёзма ёдгорликлари халқимиз дунё микёсида ўрганилиб келинаётгани азиздан маърифатли халқ бўлганимизни кўрсатади. Бугун ҳам жаҳоннинг энг тараккии этган давлатлари қаторидан ўрин эгаллашга бел боғлаб турибмиз. Бу имкониятлардан тўлиқ фойдалана олганимизда, алакачон туризм соҳасида кўлаб ютуқларни қўлга киритган бўлардик. Хўш, Ватанимизнинг қайси гўшасида қандай обида борлигини билишимиз? Уни сайёҳлик объектига айлантирсак, бу бизга моддий ва маънавий жиҳатдан қай даражада фойда келтиради?

Неча асрлардан буён Амир Темур ва темирлар тарихи, харобий ва давлатчилик ҳаракатлари, аждод ва авлодлари қурдирган бинолар дунё ахлининг эътиборини тортти келаяптир. Бобомиз умри давомида муқаддас жойларини ободонлаштиришга катта аҳамият берган, янги шаҳарлар, қишлоқлар ва борлар барпо этган. Масалан, 1392 йили Сохиққирон фармонига кўра, Сирдарёдан ўтиш жойида (хозирги Тошкент вилоятининг Оксўррон тумани)да қудратли шаҳар тикланган. Илгари бу жойда тарихи икки минг йил-

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ:

ТУРИЗМНИНГ ОЛТИН ҲАЛҚАСИ



ўзига хослиги қизиқтиради. Қадим Хиндистонда Бобурийлар сулоласи ёдгорлиги "Тожи-маҳал" макбарасидан ҳам йил давомида сайёҳларнинг қадами узилмайди. Биз ҳам сайёҳлар қандай миллий тарихимизни жонлантириб, гўзал ва саховатли заминимиз имкониятларидан оқилона фойдаланиб, кўргувчилар ётирилиб келмайми? Лекин негадир, бунинг урдасида чинқолмаёмиз! Биринчидан, бизда туристик виза масаласида ечимини қутаётган муаммолар талайгина. Ҳозир пластик картчалардан ҳамма жойда фойдаланиш мумкин. Бу борада сайёҳлик агентликларидан қандай ишлар олиб бориляпти? Бу каби масалалар юртимизга келишни истаган ҳар бир сайёҳни қизиқтиради, албатта.

Энг асосийси, биздаги кўпгина туристик объектлар халқимиз оғлиқ ерга айланиб ётибди. Меҳмонларни олиб бориш учун йўллар нотекис, алоқа коммуникациялари етиб бормаган. Атрофидан хос меҳмонхона, ошхона, саудо дўконлари йўқ. Сафар сўнида бирор нарса сотиб олиш учун сувенирлар дўконига қиради. Хўш, бизда эскилаб буюқларни ишлаб чиқарадиган фабрикалар борми? Улар ишлаб-чиқараётган махсус-етилган миллий маданиятимиз қай даражада акс этган?

Назаримизда, туристларга кўрсатилган жойларимиз хайратланарли даражада бетакдор, ҳар бир нарсаси мўъжизавий маъно касб этадиган, халқларини ҳам илмий, ҳам маданият томондан бирлаштирадиган бўлиши керак. Масалан, Шохи Зиндага борган одам бу ерда қандай зотлар етганини билсин. Қолаверса, юртимизга келаятган сайёҳларни айлантириб юриш учун тарихни чуқур билмайдиган, ҳорижий тилларни ечимини қутаётган муаммолар талайгина. Ҳозир пластик картчалардан ҳамма жойда фойдаланиш мумкин. Бу борада сайёҳлик агентликларидан қандай ишлар олиб бориляпти? Бу каби масалалар юртимизга келишни истаган ҳар бир сайёҳни қизиқтиради, албатта.

Энг асосийси, биздаги кўпгина туристик объектлар халқимиз оғлиқ ерга айланиб ётибди. Меҳмонларни олиб бориш учун йўллар нотекис, алоқа коммуникациялари етиб бормаган. Атрофидан хос меҳмонхона, ошхона, саудо дўконлари йўқ. Сафар сўнида бирор нарса сотиб олиш учун сувенирлар дўконига қиради. Хўш, бизда эскилаб буюқларни ишлаб чиқарадиган фабрикалар борми? Улар ишлаб-чиқараётган махсус-етилган миллий маданиятимиз қай даражада акс этган?

ҳақида асарлар ёзилапти. Лекин жаҳон тарихини билмайдиган, турли тилларда ёзилган тарихий асарлар кам. Йўл кўрсаткичи вазифини ўтайдиган китобларда ҳам нодир меъморий бинолар қадимий ёдгорликларнинг сурати ва қаердан топилиши ҳақида маълумотлар етарли эмас.

Масалан, Александр Македонскийнинг ўрта Осиёга юриши, ундан кейин вужудга келган Грек-Бактрия ва Парфия подшоликларининг ҳақида ёзилган мабала ўзимизни ҳам қизиқтиради. Тарихда ҳеч бир мамлакат ўзича ривожланган эмас, албатта, муштарак маданиятлар асосида тараккии топади. Бизда ҳам бошқа халқларникидан қолишмайдиган, ифтихор қиласак арзийдиган тарихий-маданий бойликлар кўп. Қачон бу тарихимизни уйғонади? Тарих уйғонса, шубҳасиз, таълим-тарбия негизда ҳам янгилинишлар бўлади.

Фарзандларимиз миллий бисотида ташқари, муштарак тарихлар, маданиятларнинг қадим ва навқирон илдирилари ҳам баҳраманд бўлади. Хорижий сайёҳлар ҳам тарихимиз қай даражада тараккии этгани қараб, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатади.

Ривожланган давлатлар туризмнинг хунармандчилик ва экотуризм йўналишларини энг юқори даромад келтирадиган манба ва жадал ўсишининг замонавий воситаси деб билади. Хунарманд-усталар сайёҳларга кўз ўнгиде бирор соҳага оид буюқларни қадимда қандай бўлса, амалиётда ҳам шундайлигича ясаб қўрсатади. Инсон қўли билан яратилган нарсалар ҳамма замонада ҳам қадрли бўлган. Сайёҳлар ўша буюқларни сотиб олиб, уйининг гўрдида эъзозлаб қўяди. Бизда ҳам қанчадан-қанча хунармандлар суло-

лалари бор. Қадимдан каштадўлар, дўппидўлар, гиламдўлар, қандакорларнинг ота-боболаридан қолган эски уйлар бор. Айрим хунарманд-усталарнинг ишлари неча асрлардан буён ўрганилмайдиган. Булар туристик объектларга айлантирилса, моддий ва маънавий меросимизнинг кенгайишига сабаб бўлади.

Қаранг, бундан тўрт-беш йил илгари гиламдўлар оиласига таширф буюрган болгариялик сайёҳлардан бири қадимий Хива гиламларидан нуска қўчириб, ўз ишлаб-чиқаришини йўлга қўйибди. Ҳозир ўша гиламлар дунёдаги энг ноёб ва қимбатбоҳо гиламлар қаторидан ўрин олган. Нега энди хунармандларимизнинг ижод махсуслотларини ўзимизда ишлаб чиқармаслигимиз керак? Ёғоч, пахта фабрикалари ҳам бир пайтлар оддий қўлда бажариладиган асбоб-ускуналар ёрдамида вужудга келиб, замонавий технологиялар ёрдамида тақомиллаштириб кетганини ҳамма-миз яхши билимиз-ку! Хунармандлар ва олимлар ўртасидаги икки хамкорликни кучайтириши ҳаётнинг ўзи талаб қилаётди.

Президентимиз юртимизда халқаро сайёҳлик ярмаркаларини ташкил этиш, туризм салоҳиятини намойиш қилувчи миллий брендларимизни яратиш борасида айтган мана бу гаплари барчамизнинг қалбимизда муҳрланиб қолиши керак: "Айрим мамлакатларда хорижий сайёҳлар эътиборини торттишга қаратилган туристик брендлар яратиш учун узоқ йиллар ва катта маблағ сарфлаш талаб этилади. Яъни, улар кўпгина йўқдан бор қилинади?"

Хулоса ўрнида: Ўзбекистонимиз туризмнинг олтин ҳалқаси ҳисобланади. Энди жаҳон тарихининг илдиригига туташ урф-одатларимиз, аънаъларимиз ва қадриятларимизни тиклаш борасида бош қотаримизга лозим. Туризм — фақат катта фойда оладиган эмас, маънавий-маданий юксалишимизга беқиёс ҳисса қўшадиган соҳадир. Юртимизга келган сайёҳлар номисига эмас, Ватанимизнинг Марказий Осиёда ва бутун дунёда ўзига хос ўрни бор эканлигини билишлари шарт!

Адиба УМИРОВА,
"Hurriyat" мухбири

► МЕНДА ФИКР БОР

Шарқда Искандар номи билан машхур бўлган македониялик Александрга форс ҳукмдори Дороти кўшинларига кечаси ҳужум қилишни таклиф этишганда, у: "Мен ғалабани ўғирламайман!" — дея жавоб бергани тарих саҳифаларида ёзиб қолдирилган. Уша пайтда кимлардир Александрнинг бу қарорини хатога йўйгани турган гап. Аммо у ҳақ эди. Доротедек қудратли шох бундай ҳарбий ҳийлалар оқибатида енгиланди рақиб эмас. У қутилмаган тунги ҳужумда аскарларнинг бир қисмидан ажралар, аммо йўқотишлар ўрнини қисқа муддатда тўлдириш ва жанг тизгинини қўлга олиш имконига эга эди. Шундай экан, Доронинг шонли армиясини мағлуб этишнинг бирдан-бир йўли уларнинг жанговар руҳини синдириш бўлиб, буни эса фақат очик майдондаги юзма-юз жангда амалга ошириш мумкин эди холос.

Бугун жамият айни ҳолатда. Давлат ислохотлари тафаккур ва руҳият ўзгармагунча қутилган натижа бериб берилади. Жамиятимизда янгиликка тўғнақ бўлаётган энг катта душман миллий стереотипларимиз, руҳиятимиздаги қусурларимиз, онгимиздаги турғунликдир.

Миллий истиқлол рояси 26 йил давомида ўзига юклатилган вазифани тўлалигича амалга ошириб бўлди. Бугунги кун эса... Бугун жамиятимизга янги бир ҲОЯ, мафкура керак. Мафкураки, мамлакатда истикомат қилаётган ватандошларимизни ягона бир байроқ остида руҳан бирлаштириш ва айни замонда ҳар бир Ватандошдан бу роя учун жонини қурбон қилишга ҳам, яшатишга ҳам қодир қилиш бир роя керак. Замонавий давлат қурилиши олимлари ёхуд демократ либераллар орасида бу фикрга қарши чиқувчилар кўп. Уларнинг иттифоқи, ҳеч бир мафкура давлат мафкураси бўла олмайд! Бу — Конституцияда ҳам ёзилган норма, дейишди.

Улар билан баҳса қилишни ниётидан узок ҳолатда шуни таъкидлашим лозимки, мен Давлатга эмас жамиятга, ўзини онгли санаган ҳар қандай миллатга уни қилиш қилаётган ҳамда умид бахш этадиган мафкура кераклигини таъкидламоқчиман. Айрича, аслида мафкура давлат мафкураси бўлмастлиги керак иттифоқини демократиянинг асоси сифатида тарғиб қилаётганларнинг қайси бири мента мафкураси бўлмаган (очик ёхуд махфий, бу бошқа масала) ривожланган давлатни, мафкураси бўлмаган, рояси бўлмаган, дунёда иттифоқи бўлмаган қучли миллатни кўрсата олади? Албатта, на бундай миллат ва на бундай давлат бор.

Тарихий-фалсафий мисоллар ва фикрлар борасида тортишадан воз кечиб, асосий масала — бугунги кундаги бундай эҳтиёжни вужудга келиш сабабига тўхталаск. Шундай қилиб, давлат раҳбари томонидан амалга оширилаётган ислохотлар чинакамгина амалга оширишда қатор тўсиқларга дуч келмоқда. Бошқарув қадрларининг малакаси-лигидан тортиб, оддий фуқаронинг янги даврга қўйилган талаб ва бошқа-бошқалар... Аммо бу муаммоларнинг энг катта сабаби — жамият келажиги ва равақини белгиловчи омил ҳисобланган ижтимоий тафаккур масаласидир. Жамият аъзолари тафаккури ўзгармас экан, бошланган ислохотлар қанчалик чуқур ўйлаб мукамаллаштирилган бўлмасин, натижа бериши қийин.

Шу боис ана шу муҳим ва оғриқли нуқта — тафаккур ва мафкура масаласига тўхта-ламиз. Зеро, банданинг Ҳақ олдидаги даражаси мону дунёси-ю, бошқаси билан эмас иймони билан белгилангани каби миллатнинг даражаси унинг тафаккури билан белгиланади.

МАНФААТСИЗ СИЁСАТ БЎЛМАЙДИ Дунё сиёсий полигониди вазиёт нақадар кескинлашиб кетаётган бўлса, дунё иқтисодий ҳолати ҳам шунчалик оғир вазиётни бошдан кечирмоқда. БМТнинг сўнги ўн йилликда роли ва аҳамияти (таъсир қучи)нинг кучсизланиши тенденцияси, унга аъзо геғемонликка даъвогар мамлакатларнинг истаганида халқаро конун-қондаларга амал қилиб, истаганида очикчасига амал қилмаслик ҳолатларининг кучаяётгани, ўрни келганда БМТ Ҳавфсизлик кеғашига баъзи давлатларнинг очикча айтаётган ёлғонлари, истасакда-истасакда қадам-қадам инсониятни учинчи жаҳон уруши сари олиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда ривожланган, ривожланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар деган ибораларнинг халқаро сиёсий музокараларда қўлланилаётгани — Одам алайҳиссалом авлодларининг очикчасига табақаланиши — аотан таназуудир. Бу қиройли иборалар ортида аслида бойлар, ўрта ҳоллар ва қашшоқлар маъноси ётади. Бу табақаланишнинг муомалага қиритган «бойлар» (ривожланган мамлакатлар) эса қашшоқлар (ривожланмаган мамлакатлар) устидан ҳукмронлик қилиш, уларнинг тақдирини устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқимиз бор, деган тушунчада яшамоқда. Ўз сиёсатини ана шу тушунчалар асосида олиб бормоқда. Шундай бўлмаса Европада бир йилда спиртли ичкиликларга сарфланаётган маблағ Африка қитъасидаги инсонларнинг тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини тамоман қондиришга етиши каби ҳолатлар ўрға қичқирмайдими?!

Ривожланаётган мамлакатларга қараб ҳавасланаётган содда инсонлар кўп. Бундай давлатларнинг ақсари бу ривожланишга миллиардлаб ташқи қарзлар, яъни кредитлар эвазига эришяётганини, бу қарзларни эса бугун қарз эвазига, гўёки «маза қилиб яшяётган» — миллатларнинг эртанги бола-лари тўлаши лозимлигини, бунинг учун Давлат қимга қаралар бўлса ушларнинг шартин асосида сиёсат юритишга мажбур бўлиши, улар тавсия қиладиган қитоблар ўқилиши, кинолар кўрилиши, ёшлар уларнинг

ЎЗБЕКИСТОН ДЕГАН ДАВЛАТ БАРҚАРОР

тавсиялари асосида тарбияланиши, улар истаган ҳаёт тарзи секин-аста урф бўлиши шарҳлари мажбуриятга айланишини кўпчилик билмасда керак. Билса-да, бу ҳақда ўйламасликка ҳаракат қилади.

"Бўлмаса олмасин кредитларни, биров мажбур қилмайди-ку!", дер баъзилар. Тўғри, ҳеч ким мажбур қилмайди очикчасига. Фақат ўз ихтиёри билан «рози» қилинади. Бундай кредитларни олишдан бош тортиб, кредит ортидан қўйилган шартларга нороан ўқалар инсон ҳуқуқлари топталишида, терроризмни қўллаб-қувватлашда, қимёвий қуроол сақлашда, норасида гўдақларнинг қотилишида ёки ўз халқига зулм қилишда айланади. Исталган мамлакатда гўёки ҳурфикр демократлар ҳўрланапти, инсон ҳуқуқлари, диний эркинликлар топталмапти баҳонасида инқилоб уюштирилаворади.

Фикримизнинг исботи ўларок ўзини жаҳоннинг энг қудратли давлати дер биладиган мамлакат махсус хизмати раҳбари А.Д.нинг узок 1953 йилда «Биэ исталган давлатнинг чегарасини жисмонан кесиб ўтмай, у ерда ҳуқуқларини ағдарини технологиясини қўлга қиритди», деган эътирофини эслашнинг ўзи қифоя. Токи ўша «қулосқиз» давлат бошига ташқи қучларнинг исталган одамлари бошчилигидаги, уларнинг қондиси асосида давлат сиёсати олиб боришни истовчилар ҳуқуқини давлат тепасига келтирилмаганига қадар бундай ишлар давом этаверади.

Мисоллар келтириб ўтирмастлигимизни сабаби иккита: биринчиси, бу ҳақиқатларни ағлаш ҳақиқатида эга инсонлар қайси давлатларни назарда тутяётганини шундоқ ҳам билди, иккинчиси, у давлатларнинг номи мисол келтириверилиб сийқаси чиқиб кетди.

ОШҚОЗОН МИЯДАН АҚЛЛИ... (МИ?) Ҳар қуни дунёнинг барча нуқтасида уруш бормоқда. Урушқи — совуқ қуроолларсиз, ўқларсиз, қонларсиз аммо қурбонларсиз эмас. Информацион қўшунлар тиғимсиз бутун дунёда ҳар соғия — телевизорнинг ёниқ, телефон ёки компьютернинг интернетга уланган ҳар соғияда сизнинг, болангининг, аёлингининг онгу шуурини забт этиш учун уруш олиб бормоқда. Мақсад эса битта — инсониятни маънавиятидан, руҳиятидаги ақлоқдан мосуво қилиб, уни яшайдан мақсади — фақат истеъмол қилишдан иборат маҳлуққа айлантиришдир. Раҳматли Чингиз Айтматовнинг бир гапи бор: «ошқозон миядан ақлироқдир, чунки қайт қилиб ташланади билди, мия эса ҳар қандай ақлатни ҳам ютаверади».

Телефонингизда интернет орқали келаятган рекламаларга, аниқроғи рекламаларга ҳолатларга эътибор қилинг: реклама қилинаётган маҳсулот олд планда бошқа, аммо орқа планда реклама роғлигидаги оханг, қийинчи услуби, ўзини туғини нормалари бошқа. Гўёки маҳсулотни сизга тавсия этишад-ю, аслида эса сизнинг қўнғиниз қўрмайдиган, аммо онг ости даражада таъсир

этувчи йиғирма бешинчи кадр онгингизни захарлайди. Сиз у маҳсулотни балки умуман сотиб олмасиз, аммо реклама онгингизнинг сиз билмаган нуқталарида ўз иш-ни қилиб бўлган бўлади...

Инсоният тарихи, маънавий ҳамда маданий, диний қадриятлари устидан қилиш орқали инсон онгини манипуляция қилиш — унинг маънавий илдизларига болта уруш — қўрнимас информацион қўшунларнинг стратегиясидир. Асосий мақсадларини фотэ эмаслик учун буларнинг барчаси қўнғилочар воситалар орқали амалга оширилади. Қўнғилочар қўрсатувлар, каналлар қўнғилочарлиди. Қизилқичлар миллат қаҳрамонларига, жамият юлдузларига айлантирилади. Жамият аъзолари ҳаётини реалликдан қўра кўпроқ телевизор қўриб «зомби»га айланишига, кўпроқ ўйин қулуг қилишга, «юлдуз»ларнинг ёки спорт клубларининг фанатига айланиши учун ҳаракат қилинади.

Эркин фикр билдириш дер санъат эмас санъаткорларнинг қўйлак иштонини муҳокама қилиш, сиёсий позиция дер сиёсий жараёнлар эмас сиёсатчиларнинг шахсий ҳаёти, пули, ҳаракатларига муносабат билдириш қабул қилдирилади. Бу ишни қилаётганлар фатх этиб бўлган ўқаларда эса уларнинг байроқлари марказий қўчалар ва биноларда оёрилдиқдир. Уларнинг байроқлари — корпорация ва компанияларнинг брендларидир. Шукри, бизнинг мамлакатни бу инфоқўшунлар ҳозира забт эта олгани йўқ. Аммо уруш давом этапти.

Бизга қарши бу урушни олиб бораётганлар ким дер сўрариз. Жавоб берай: тунги клубларда болаларнинг қайси мусикалардан ҳузур қилаётганига, қайси услубда қийнаётганига, қайси интернет сайтларида «маза» қилаётганига, ижтимоий тармоқлардан бир-бирига қайси видеоларни улашаётганлигига эътибор қилинг — саволингизга жавобни топасиз. Чингиз ака раҳматлининг ҳақиқатини иймон келтирасиз.

Нима қилмоқ керак? Бугун инсоният ана шундай тахликали бир даврни бошидан кечираётганида, биз яъни миллати ва динидан қатъи назар Ўзбекистон халқи трансмилий корпорациялар қўлида ўйинчок бўлиб қолмаслик учун, Ватанимиз туғроғида қонлар тўқилмаслиги учун, болаларимиз эртага қўчада юришга қўрқмаслиги учун, одамийлик, одамгарчилик дер атайдиган миллий ўзлигимиз, миллий ҳосилигимиз, турмуш тағойилымиздан маҳрум бўлмастлиги учун, ЎЗБЕКИСТОН ДЕГАН ДАВЛАТ БОҚИЙ ТУРИШИ УЧУН НИМА ҚИЛИШНИЗ КЕРАК?

Қилинши керак бўлган иш кўп. Бу ҳақда четдан туриб маслаҳат берувчилар (асло ёмон маънода эмас!) баробарида ўз фикр мулоҳазалари билан бўлишяётган олимлару, оддий ватандошларимиз кўп. Бундай тақлифлар «портал»да қаланиб ётибди. Бу борада мен ҳам фикр билдириш ҳуқуқимдан фойдаланиб, айтадиган тақлифларим бор.

БИРИНЧИ ҚАДАМ ҲАМИША ОҒИР!

Биз миллат сифатида, энг аввало, ёлғондан воз кечшимиз керак. Машхур Сингапур иқтисодий мўъжизаси ҳам аслида ана шу қадамдан бошланган эди. Уганимизни алдашни бас қилиш айни онда ҳақиқатни қабул қилиш демекдир. Ишга ўн дақиқа кеч келса, муқофоддан маҳрум қилиб, иш соати олтида тугаса-да яна икки уч соат ишлатиб, айни маошини бериш ёлғондир! Беш иш кунига шартнома тузиб, олти кун ишлатиб, беш қуллик маош бериш ёлғондир! Ҳар қуни ишга келиб кетиб, на хафталик, на ойлик мақсад қўймадан, натижасиз ишлаш ёлғондир!

Ўқитувчи, шифокор, нафақачи (нафақахўр эмас!), зиёдиларнинг жамият ижтимоий ҳаётида мавқеи ва ижтимоий аҳволи паст бўлса, буюк келажак ҳақидаги ўйлар ёлғондир! Қирқ қуллик аскарликка бориб келиб, бир мартаба ўқ отмаган, автоматни бўлиш ва йиғини билмаган аскарнинг ҳарбий гувоҳнома ёлғондир! Ўттиз уч миллионли халқнинг номидан беқорчиликда ўтириб эмс йўлдан, қўшқиларга берилган атиги беш юз минг (агар ҳақиқатда шунча одам овоз берса!) берилган овоз орқали Ўзбекистон қитлиги номи берилган қўшқиларнинг қитлиги ёлғон!

То давлат раҳбари айтмагунча ёки тепадан топшириқ бўлмагунча нима иш қилиши кераклигини билмай ўтирилади амалдорларнинг фидойилиги ёлғон! Миллат бақоси учун эртаю кеч тиғимсиз ишлашмай, дер ўзини оғуштаётган, аслида Фаробий, Хос Ҳожиб, Махмуд Қошқари, Мақнавелли, Қозим Мухаммад, Достоевский, Толстой, Бехбудий, Збигнев Бжезинский, Генри Киссенжерларнинг асарларини ўқимаган маъсулларнинг лаъқатлиги ёлғон!

Бир адолатсизлик ёки ҳақсизликни қўриб индамай кетиш жиноят эмаслиги ёлғон! Поря орқали мансабга ўтираётганларнинг давлат хизмат қилиш даъвоси ёлғон! Поря олаётганларнинг ўзларини жоғабтарор дер биллишлари ёлғон! Ўйдаги аёлига қўчада вафо қилмаган эркакнинг яқини оила бошлиқлиги ёлғон! Аёллар қамқонлик касали билан оғриган миллатнинг тўқлиги, ўша давлат иқтисодий ривожланиш кўрсаткичи 8 фоизлиги ёлғон! Ҳайвоннинг адолатлиги ёлғон! Ўқитувчининг пахта теришга, қўча тозалашга мажбур қилган ҳокимнинг минбардан туриб муаллим миллат меймори дегани ёлғон! Энг ёмон, мадҳоқ ва мунофиқнинг дуоси ёлғон! Биз бу ёлғонлардан воз кечшимиз керак.

Иккинчи қадам ҳам енгил эмас

Учинчи оғир қадам... Миллий «бронд» даражасидаги қусурларимиз Миллатимизнинг улғулиғи, юксак маънавий тарафлари ҳақида биздан бошқа миллат билан гапирганлар, гапиряётганлар ва гапирадиганлар кўп. Биз эса миллий «бронд» даражасига қўтарилган қусурларимиз ҳақида мушоҳада этишга жазм этидик. Тафаккурдаги қусурлар ҳақида сўз юритганимизда уларнинг бутун бошли миллатга хос кам-

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКА

► ТАҲЛИЛ

Ўзбекистонда интернет журналистика пайдо бўлган илк даврда унинг истиқболи мавҳум туюлган. Ўзбекистонда том маънодаги интернет журналистика 2000 йиллар ўрталаридан шакллана бошлаган. Бу албатта, техник тараққийёт билан боғлиқ жараён эди. Ўша пайтларда интернет журналистиканинг ўзбек сегментини янгиликлар сайтлари бармоқ билан санарли эди. Уларнинг ярмидан кўпроғи муҳолиф сайтлар эди.

Ўзбекистонда илк миллий интернет фестивали 2005 йили ўтказилган. Унда хабар нашрлари йўналишида ҳозирги Uzreport TV асоси бўлган uzreport.com сайти 2-ўринни эгаллаган. Биринчи ва учинчи ўринни эгаллаган сайтлар (security.uz, darvoza.uz) ҳозир ишламапти.

Информацион технологияларнинг жадаллик билан тараққий этиши мамлакатимизда ҳам интернет журналистиканинг ривожланиши ва оммалашшига олиб келди. Ҳозирда Интернет журналистика Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ичида теқзорлиги бўйича биринчи, аудиториясининг қўлини ва таъсир доирасининг кенглиги бўйича телевиденидан сўнг иккинчи ўринга чиқиб олди.

Интернет журналистика энг теқзор ОАВ сифатида матбуот, радио, телевидение имкониятларини ўзига жамламоқда. Энди сиз бирон ахборот билан танишиш учун газета чоп этилишини, ТВ ёки радиода янгиликлар дастури бошланганини кутиб ўтирмайсиз. Энг катта интернет-нашрлари матн, фото, тасвир, овоз, инфографика каби элементлардан фойдаланиб, хабарларни интерактив тарзда етказмоқда. Интернет-радио ва Интернет-телевидение йўналиши ҳам жадаллик билан ривожланмоқда.

Ҳозирда ўз миллий доменида 54000 дан ортиқ ном рўйхатга олинган, улардан 450 таси ОАВ сифатида давлат рўйхатини ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тақдим қилган маълумотларга кўра, 2018 йил январь ойи ҳолатига кўра, Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони 20 000 000 кишидан ошган. Бу ўтган йилгига нисбатан 5,3 мил-

лиондан зиёд бўлиб, Ўзбекистон жами аҳолисининг 63 фоизи глобал тармоқ фойдаланувчисига айланган. Уларнинг ақсариёти интернетдан мобил телефонлари орқали фойдаланядилар. Ўзбекистондаги мобил телефон абонентлари сони эса 22 800 000 кишидан ошган. Тақдирлаш учун мамлакатимизда интернет фойдаланувчилари сони 2000 йили 7500, 2005 йили 675 000, 2010 йили 6 500 000, 2015 йили 10 200 000 кишини ташкил этган.

2017 йилда интернет фойдаланувчиларининг кескин ошиши ўтган йилда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар, эркинликлар самараси ҳамда уларнинг интернет сайтларида батафсил ва теқзор ёри-тилиши билан боғлиқдир.

Президент матбуот хизматининг ислох қилиниши ва самарали фаолият юритиши онлайн журналистикага ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига мурожаатномасининг интернетда жонли олиб берилиши журналистика тарихида катта воқеа бўлди. Илк бор мана шундай олий даражадаги тадбир ўша вақтининг ўзидаёқ хабар сайтларида ёритилди, таҳлил қилинди, бутун дунёдан муносабатлар билдирилди. Авваллари бундай учрашувлар ўтиб бўлгандан сўнг бир қанча «қайчилаш»лардан сўнг эфирга узатиларди. Баъзи тақ-қикотчиларнинг ҳисобига кўра, ушбу мурожаатномани интернетда 4 000 000 киши кузатди.

Бутун интернетнинг ўзбек сегментини энг оммавий сайтлар darvoza.uz ва kuz.uz янгилик сайтларидир. 2018 йил 13 февраль ҳолатига кўра, darvoza.uz сайтига бир кунда 349 920 киши (2 719 266 та саҳифа ўқилган), kuz.uz сайтига эса 328 412 киши ташриф бу-

gazeta.uz KUN.UZ TEZKOR XABARLAR Daryo Xabar.uz

юрган (1 526 726 та саҳифа ўқилган). Ушбу сайтларга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 фоиз кўп фойдаланувчи ташриф бузган. Ўзбекистоннинг интернетда энг катта ахборот каналлари ҳисобланган darvoza.uz ва kuz.uz сайтларига кунига 90-110 тадан материал қиритилади. Уларнинг ижтимоий тармоқлардаги кузатувчилари сони 1 000 000 кишидан ошди. Масалан, kuz.uz сайтининг ижтимоий тармоқларда жами 1 265 870 киши кузатади (Telegram — 256399, Facebook — 175971, Twitter — 19500, Instagram — 709000, Youtube — 105000). Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги муассислигидаги хабаг.uz сайти янги ташкил этилганига қарамай, кунига 40000 кишилик аудиторияни йнға олди. Сайтда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳақида танқидий, таҳлилий материаллар мунтазам эълон қилиб боришмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг uza.uz сайти ТАСС ва УЗТАГдан қўлиб кетган эски қопиллардан воз кечиб, мақолаларни эркин тарзда бераётгани, фикр айтувчилар учун минбар-платформа яратгани, танқидий мақолаларни қисқартирмадан чоп этаётгани сабабини аудиторияси ҳам кенгайди. Баъзи кунлари сайт ўқувчилари сони 15-20 000 та ҳам етди. Маълумки, бутун дунёда босма оммавий ахборот воситалари қийин даярларни бошдан кечирмоқда. Газета ва журнал тиражлари ҳар йили ту-

рада «Даракчи» ва «Ҳордиқ» газеталари олдинроқ ҳаракат қилган эдилар. Ҳозирда ушбу газеталарнинг қуллик ўқувчилари сони 20000 дан ошган. Газеталарнинг сайти унинг босма версиялари учун реклама вазифини ҳам бажаради. Шунингдек, газеталар сизга энг чоп этилган эскириб қоладиган исталган мақолани сайтда эълон қилиш мумкин.

Сўнги ойларида «Халқ сўзи» газетасининг сайти ҳам анча жонланди. Унда кундалик хабарлар билан бирликда ўткир танқидий мақолалар, мушоҳадага қорловчи материалларнинг мунтазам эълон қилиб борилиши сайт ва газетанинг оммалашуви сабаб бўлмоқда (кунига 3500 киши). «Uzbekistan Today», «Ўзбекистон овози» газеталарининг онлайн версияларини ҳам кунига 1000-1500 фойдаланувчи кузатмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида интернет журналистика таррақети борасида Қозғоғистондан сўнг иккинчи ўринда турибди. Қозғоғистонда интернет фойдаланувчилари сони 10 миллион киши бўлиб, умумий аҳолининг 56 фоизини ташкил этади. Мамлакат интернет сегментини янгиликлар сайтлари оммавий бўлиб, энг катта хабар портали tehrinews.kz сайтига кунига 600 000 дан ортиқ фойдаланувчи ташриф бузоради.

Марказий Осиё давлатларининг барчасида янгиликлар сайтлари энг кўп қирилидиган сайтлардир. Россия ва бошқа ривожланган давлатларда оммавий сайтлар рўйхатини миллий интернет корпорациялари эгаллаган (Россияда — Yandex, АҚШда — Google, Хитойда — Baidu). Ўзбекистонда ҳам маълумотлар қиривуви, электрон почта, янгиликлар, видеохостинг, таржумон, савдо платформаси, диск, об-ҳаво, энциклопедия, иш ишлаш каби юзлаб сервисларни жамлаган, қучли ҳимояланган ва қўлай ишлаш тизимига эга бўлган миллий интернет корпорациясига эҳтиёж бор. Акс ҳолда ахборот ҳавфсизлиги ҳақида қанча қўйғурмайлик, бошқа сервисларга қарам бўлиб қолаверамиз.

Давронбек ТОҶИЛИЕВ, Zyouz.com портали муҳаррири

► МУЛОҲАЗА

Алифбо ва имлога муносабат ҳар бир миллатнинг юксалганлик даражасини белгилайди. Аввал ҳам ёзганимиздек, алифбо ва имлога онд иккиланишга камол топаётган авлод тафаккури бутунлиғига путур еткази.

ИМЛОМИЗДАГИ ИККИЛАНИШЛАР САВИЯМИЗГА СОЯ СОЛМОҚДА

тахририятлар ва барча журналистлар эътиборига

Биз яшаб турган жамиятда мана шу кўзга қўрнимас муаммонинг таъсири аста-секин сезилмоқда. Билимдон ёшларнинг шахс даражасига қўтарилишолмаётганига алифбо ва имло орқали оқна кўчаётган иккиланишлар ҳам сабаб бўлмоқда. Албатта, алифбо ва имлога тааллуқли муаммоларни бирдан ҳал қилиш қийин. Аммо айрим муаммоларни эътиборли бўлишнинг ўзи билан бартафат этиш имкони мавжуд. Бу ўринда биз 1995 йил 24 августда тасдиқланган имло қондаларининг 71- ва 74-моддаси билан боғлиқ муаммоларни назарда тутмоқчимиз.

Ҳап шундаки, янги имло қондаларининг 71-моддаси охириги хатбошисида вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар номи таркибидидаги биринчи сўз бош қўра билан ёзилиши таъкидланган ва Фанлар академияси, Тилшунослик институти каби мисоллар келтирилган.

Демак, бу ўринда вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар номи олдиндан келадиган жой номлари назарда тутилмаган. Мазкур моддага мувофиқ, юқоридаги мисоллар кенгайтирилган ҳолда Ўзбекистон Фанлар академияси, УЗФА Тилшунослик институти, дер ёзилиши керак. Модда ва мисолларга таъниб бошқа олий ўқув урларининг номларини қандай ёзиш кереклигини билиб оламиз. Масалан: Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номдаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент Давлат Техника университети каби. Бир қарашда ҳаммаси рисолачадек. Бироқ фактларга мурожаат қилсак, бошқача манзаро гувоҳ бўламиз. Афсуски, деярли, барча нашрлар олий ўқув юрти номлари имлосида фақат жой номларини бош ҳарф билан ёзишмоқда. Масалан: Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Урганч давлат университети каби. Шу тариха 71-модданин охириги хатбошисидаги қонда бузилмоқда. Ҳамкасбаримизни бу ҳуеусда оғохантиришимизда улар янги имло қондаларининг 74-моддасини рўқач қилишмоқда. Уша моддала ТошДТУ қисқарта оти Тошкент давлат техника университети тарихида ёзиб қўйилган.

Қўриб турилиши, икки модда бир-бирини инкор этмоқда ва бирор моддала мамлакат миқёсидаги ташкилотлар номидаги «Давлат» сўзи, расмий ҳужжатлардаги «Қону», «Фармон», «Қарор» каби сўзлар бош ҳарф билан бошлангани эътилоқланган. Уйлаймизки, юқорида тилга олинган муаммолар жамоатчилик эътиборидан четда қолмайди ва юксак таррақети сари талпинаётган тилимиз мусоффонлиги учун ҳаракатлар бардавом бўлади.

Муҳаммад ВАЛИ, «Репетитор» газетаси лойиҳа муаллифи

ТУРИШИ УЧУН ЯНА НИМАЛАР ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК?!

чилик сифатида тамғаланмаслигини истардик. Бирок миллатимиз вакиллари орасида баъзи қусурлар кундан-кунга урчиётгани, фалокатта олиб боруви бу иллатларнинг олдини олиш, оқибатлари ҳақида огоҳлантиришни фуқаровий бурчимиз деб билдик.

Ана шундай қусурлардан бири маддоҳлик деб аталади. Бугун жамиятда рўй бераётган ўғаришлар, ислохотлар, муаммолар тўғрисида конструктив мулоқот ўрнини йиғилдишлар, мажлислар, телеқўрсатувларда аравани курук олиб қочишу фойсубк саҳифаларида давлат раҳбарини, ҳукуматини алқаш, кўкка кўтариш тенденцияси эгаллаб олди. Ва бу кундан-кунга авж оляпти.

Маддоҳлик мустақилликни қўлга киритган илк кунларимиздан бошланмади ёки совет тузуми даврида шаклланди. Унинг илдизи олис-олисларга бориб тақалади. Тупроғимизда вужудга келган улкан давлатларнинг аксарияти сарой аёнлари ва амалдорларнинг зиммасидаги вазифаларини адо этиш ўрнига маддоҳликни касб этгани, мактов ва алдо орқали давлат раҳбарининг кўзини кўр қилиб, ҳақиқий ахлоқдан узоклаштиргани сабабли инқирозга юз тутгани ҳақида кўп ўйланган. “Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир”, деганда Абдулла Кодирий ўғлининг ҳақиқатдан тўғри хулоса чиқариши, уларни тақдорламаслигини назарда тутган бўлса керак? Афсуски, ўғлининг ана шу ҳақлар бугун қайта бўй кўрсатмоқда, айримларнинг қон-қонига сингиб кетган, таъбир жоиз бўлса, йўрғакда юққан эски иллатлар ана жонланмоқда.

Маддоҳликнинг энг ёмони зиёлиларникидир. Чунки у давлатни ҳамisha жарга етаклаган. Бундан аввал сиёсий партиялар, депутатлар Президент танқидига ҳудди шу форматда жавоб берган эди. Бирортаси мард бўлиб: “Мен ўзимга билдирилган ишончини оқловмаганим сабабли истеъфо бераман, халқим мени кечир!” — демади.

Тараққиётимизни орта сўраётган яна бир қусурлардан бири андиша деб аталади. Аслида ижобий бўлса ҳам бу ҳусусият йиллар мобайнида моҳиятини ўзгартирди. Бугун ноҳақни ноҳақ демаслик, ҳақсизликка индамай кетиш, ахлоқсизликка кескин муносабат билдириш керак, керакд ўрнида ўз фикрини, ўз муносабатини билдиришдан уялиш — буларнинг барчасини биз андиша дея ўзимизни алдай бошладик. Надоматки, жасоратсизлигимизга, кўрқоқчилигимизга, масъулиятсизлигимизга маънавий вақ топиб ўзимизни оқлаб, андишализмиз деб вилдонимизни тинчлантириб, ўз ёлгонимизга ўзимиз ишониб келятимиз.

Дароқе, ўзини алдан ҳусусида. Ўзини ўзи алдан — энг буюк хиёнат. Наҳақат инсоннинг ўзига, балки миллатга нисбатан энг катта хиёнатдир. Чунки ўзини ўзи алдаётган оломон ўз ёлгонларини қўлга, “бронд”га айлантиради. Ёлгонларидан бутлар ясаб олади ва уларга сийна бошлайди. Авлодларини ҳам сийнатиради.

Бутларни сиңдиринг! Наҳот илм тараққиётни ва ахлоқ раванқиди!

Қачонки сабаблар билан эмас, тафаккур даражасининг маъсули бўлган асоратлар билан курашда давом этар эканмиз, гўёки соялар билан жанг қилаётган одам уни енгол-маганидек, миллат сифатида қисматимиз айс-бергнинг кўздан панадаги, яъни сув остидаги катта қисми халок қилган Титаникдек фожиали тугаши мумкин. Бундай бўлмаслиги учун нима қилиш керак?!

Гай Саллустий Крисп Цезарга ёзган тўртинчи мактубида шундай насихат қилади: “Ҳеч қачон ўз давлатингга ахлоқсиз инсонларнинг фақат пуддорлиги учун обрў топишига йўл қўйма! Чунки камбағал бўлса, ахлоқли инсондан кўра, ахлоқсиз бой жамиятда обрў топа, ахлоқсизлик ўша жамиятда урф бўлади ва Сенинг ҳар қанча қудратли империянг таназулга юз тутуди”.

Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини кайта ислоҳ қилишди. Ислоҳки, фундаментал ислоҳ. Аҳолиси ўттиз ми миллиондан ортқ мамлакат сифатида 63 тагина олий ўқув юртига эгалитимиз миллий илмий салоҳият тарафидан ночор эканлигимизни кўрсатади. Хар йили салкам олти юз минг битирувчидан етмиш мингга яқинигина ўқишга қабул қилинади. Қолганларнинг тақдирини билади? Бу ўқишга кириб битирилганларнинг дипломлари неча мамлакатда ўтади? Халқро стандартлар талабларига неча ОУЮ жавоб берад экан?

Давлат ОУЮлари баробарида чет эл ОУЮлари, ҳусусий ОУЮлари очилишига имкон бериш керак. ОУЮлари Европанинг аксарият давлатларида қўлланиладиган тизим асосида фаолияти кайта ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, ОУЮларига талабаларни қабул қилиш имтиҳонига амалга оширилиши керак. Истаган битирувчи исталган ОУЮга кириш имкониятига эга бўлиши керак. Аммо, контракт тўлови эвазига. Контракт тўлови миқдори бозор шароитидан келиб чиққан ҳолда, албатта, киммат бўлади.

Хозирги даврда тахминан ўттиз миллион сўм атрофида. Бунинг натижасида ОУЮлари ўзрасида рақобат қуяди. Профессорлик таркибини кенгайтиришга, шароитларни яхшилашга ҳаракат қилинади. Халқро стандартларни қўлга киритиш орқали тақдим этаётган дипломларнинг бошқа давлатларда тан олинishi учун имконият яратилади. Кўпроқ талаба жалб қилишга ҳаракат бошланади. Чунки қанча кўп талаба бўлса, ОУЮлари шунчалик кўпроқ иктисодий манфаат топади, ўқитувчиларига кўпроқ маош тўлайди. Имкониятларини кенгайтиради.

Хар йили ёки семестр охирида Давлат стандарти асосида имтиҳон қилинадан талабалар ўтмаганлар қайдаланмайди. Қайтадан ўша йилни ёки семестрнинг қайтадан тўлов орқали давом эттиради. Албатта, кимдир халқнинг иктисодий аҳволи боласини ўқитиш учун бунча кўп пул тўлаш имкониятини тополмайди, дейиши мумкин. Биринчидан, Давлат ҳозир бу тизимга миллиардлаб ажрат-

ётган ОУЮларини молиялаштиришдан овоз бўлади ва бу мабларларни Давлат грантлари дастури ташкил қилиб, унга йўналтириш имконияти пайдо бўлади. Давлат грантлари дастури ОУЮ тизимидан алоҳида бўлади. Бунда грант олишни истаган талабалар дастурга маълум бир имтиҳон топшириб, грантнинг қўлга киритиши мумкин бўлади. Яъни ўз йўналиши бўйича қўйилган талаб — баллини йиққан ҳолда дастур томонидан бир йиллик контрактга тўлаб берилади.

Бундан ташқари, исталган компания ва фирмалар ўзларига юқори малакали мутахассис тайёрлаш учун, кейинчалик маълум муддат ишлаб бериш шарти билан грантлар тақдим этади. Албатта, давлат ёки ҳусусий грантлар бўлсин, уларни қозонишнинг ягона йўли илм синови бўлади. Табиийки, илми кучлилар грант асосида ўқишади. Натижада соҳадати коррупция тугатилади, ёшларнинг катта қисми ОУЮларида ўқини имкониятига эга бўлади, давлат миллиардлаб харажатдан қутулади, ОУЮлари ҳамда мутахассислар сифати ошади, мамлакат илмий соҳасига ўсади, ҳусусий сектор ривожланади.

Соғлиқни сақлаш тизимида соғлиқ суғуртасини жорий этиш, соҳа ривожига, давлатнинг соҳага сарф-харажатини кескин қайтаришга сабаб бўлади. Энг асосийси, қўрсатилётган тиббий хизмат сифати яхшиланади. Шукрки, бу соҳада илк қадамлар ташлана бошланди.

ШАКЛ ВА МОҲИЯТ

Комиллик шакл ва моҳият уйғунлигида эканлигини ҳаммаимиз биламиз. Бизнинг шаклимиз моҳиятимизга ва аксинча моҳиятимиз шаклимизга уйғун бўлмас экан, тафаккуримиз ўзгармас экан, биз бахтли бўла олмаимиз. Муродимизга етмаймиз. Жалолдин Румий хазратларининг машҳур етти ўғитидан энг асосийсини эсланг: “Е бўлганимиз каби кўрини, е кўринганимиз каби бўл!”.

Бугун аксарият Президент қабул қилган харакатлар стратегиясини улутлаш билан, уни мадҳ қилиш билан овера. Эътибор қилинг: унинг моҳиятини тарангум этиш билан банд ҳамма. Аммо унинг чинакамига, хов, ўша олис қишлоқ одами ҳаётига ижобий таъсир қилиши борасида амалий ишлар кам. Эртага Президент олдига чиқиб унча уй қурдик, бунча кўприк қурдик, аҳолини ижтимоий ҳимоясини қучайтирдик дея гўзал ҳисоботлар берилади.

Аммо бу ҳисоботларда қишлоқдаги оддий меҳнаткаш оналаримиз сингилларимизнинг қонидаги гемоглабин миқдори нега ошмаганлиги, миллат боласининг жисмида йод танқислиги нега қамаймаганлиги, нега қишлоқдаги хар бир гўлак хар арғалаб шаҳардаги болалар каби сутли оватқ, қолбаса, сарёғ ейиш имконияти йўқлиги ҳақида бирор сўз бўлмайди. Президент бу саволларни сўрамайди деб умид қилади. Бирок Президент буларнинг барчасини сўрайди. Сўрапти ҳам! Чунки у ўғрини ўғри, тўғрини тўғри дейишдан кўрқмайди. Харакатлар стратегия-

си оддий қишлоқ меҳнаткаши ҳаётига ижобий ўзгартириш киритмагунча тинчмайди.

Шу ўринда яна бир фикр. Биз Харакатлар стратегиясини тилга олган эканмиз, уни тўлақонли ҳаётга тадбиқ этишда муаммо турдираётган кичик бир нуқтага тўхталишимиз лозим. Харакатлар стратегияси қанчалик улут марраларини мақсад қилиб олган бўлмасин, токи хар бир стратегияни амалга ошириш бўйича аниқ концептуал дастурлар ишлаб чиқилмас экан, муродга етилмайди.

Бу кўтарилган масалалар ўз ечимини топар ёки топмас, тақдирлар ўрганиб чиқилар ёки чиқилмас, аммо, дунёда рўй бераётган ҳодисалар, янгидан-янги таҳдидлар замонда миллатни бирлаштириб, уни яшатадиган қучли бир мафкура, янги бир тамойил бўлмас экан, уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга давлат тахлика остида қолади.

АДОЛАТ ДАВЛАТНИНГ ТАМАЛИДИР!

Замоннинг ўзи олдимизда янги тахликалар, янги шартлар, янги қақирларни, янги шартларни қўймоқдаки, бугун янги бир ғояга эҳтиёж пайдо бўлди. Фикримча, бу ғоя юқорида келтирилган ислохотларни ўз ичига олган АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ — КУЧЛИ ДАВЛАТ ғояси бўлиши керак. Президент Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳам ўз чиқишларида адолатнинг нақадар муҳимлиги ҳақида кўп тўхтамоқдалар. Зотан исталган давлатнинг тамали адолат эканлигини, бундай тамалга эга бўлмаган давлатлар теъда парчаланиб, таназулга юз тутганлиги тарихдан маълум.

Иктисодий-ижтимоий ислохотлар айнан адолат тамойилига қурилмас экан, давлат қучли бўла олмади. Адолат тамойили фақатгина иктисодий-ижтимоий, сиёсий соҳаларда эмас, хар бир ҳонадонда, жамиятимиз аъзолари орасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларда, оилада, хар бир ватандошимиз турмуш тарзида акс этишига эришсагина дунёда беназар қучга эга давлат қурдик дея оламиз. Бу албатта, жуда катта сифатли маънавий тарғиботи тазкоэ этади.

Аммо буни амалга оширишга киришишимизнинг ўзинек миллат сифатида янги бир иқтидорга эришяётганимизни кўрсатади. Чунки фақатгина миллатини Она, давлатини Ота ўрнида билиш орқалигина дунёда рўй бераётган ва бериши қўтилаётган бўҳронлардан давлатимиз ва қадриятларига содиқ миллатимизни қутқариб қолишимиз, тинчликни ва тўқлиқни, соқин ва таҳликасиз ҳаёт тарзини, ривожланган ва ҳимояланган иктисодини, эркин келажак қафолатини болаларимизга таъминлай оламиз. Бунинг учун қучли ғоя керак: АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ — КУЧЛИ ДАВЛАТ ғояси. Эеро, миллатимизнинг азаддан жисми — одамийлик, руҳи — адолат бўлган.

ФОБИЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Биз бугун нафақат Марказий Осиёда, балки дунёда энг ривожланган Давлат

бўлиш мақсадида дунёга очилган эканмиз, миллий тафаккуримиздаги турли фобиялардан воз кечишимиз керак. Фобия — у қанақадан шаклдаги кўрқув бўлишидан қатъи назар руҳият билан, янада тўғрирон, тафаккур билан боғлиқ муаммодир. Аммо асосийси шуки, фобия (кўрқув) ўзига ишонмаган шахсда, кенгрок олинганда, миллатда учрайди.

Эски СССРни тикламоқчи дея русофобияни, Туркий мамлакатларни бирлаштириб ўзига бўйсундириб олмоқчи дея Туркофобияни, ҳамма намоз ўқиса террористлар босиб кетади дея исломфобияни, янгиликлар яхшиликка олиб келмайди дея неофобияни урчитмаслик керак.

Ўзига ишонган миллат, ўз қудратига ишонган Давлат ҳеч нарсадан кўрқмайди. Кучли маънавиятга, мустақкам этикодага эга шахс даҳрий билан мулоқот қилиб даҳрий бўлиб қолмаганидек, уч ярим минг йиллик давлатчилик тарихига эга бу Давлатни ҳеч қандай қуч ўз йўлидан, ўз этикоидан қайтара олмади!

МУРАККАБ ДАВР

Умуман олганда, юқорида айтганимиз барча изтиробли масалалар ортида миллий тафаккур ва мафкура масаласи ётади. Бугунги кун учун янги бир мафкура зарурлигини ҳаётнинг ўзи исбот қилиб турибди. Биз бир олги жамият сифатида дўшпни бошдан олиб бизга қандай мафкура кераклиги ҳақида жиддий ўйлаб қўришимиз керак. Бу жуда оғир танлов. Чунки яшаётганимиз ва мураккаб деётганимиз — хозирги замон фақат ўзбек учун эмас, барча миллатлар учун мураккаб давр дурдир.

Мафкура борасида олдимизда тўрт хил танлов бор: биринчиси, миллатчилик руҳияти мафкура; иккинчиси, диний-монархик мафкура; учинчиси, либерал-демократик мафкура; тўртинчиси, консерватив мафкура.

Қайси бирини танлашдан қатъи назар, муҳим бир нуктани унутмаслигимиз лозим: биз мафқурани оммани бошқарини воситаси эмас, мамлакатимиз ва бугун дунё олдида турган муаммоларини ечиш инструменти сифатида қўлларимиз керак.

Бу танловнинг оғирлиги шундаки, буларнинг ҳеч бири идеал эмас. Барчасининг фойдаси қайи зарари, яхшисига баробар ёмон оқибатлари бор. Биз бугун яхши ёки ёмон ўртасида танлаш имкониятимиз йўқ. Бизда фақат кўп ёмондан кўра озрок ёмонини, кўп зарардан кўра озрок зарарлисини танлаш имкони бор ҳоло. Аммо бунда ҳам аддамаслигимиз, бунинг учун хар томонлама чуқур ўйлаб, етти ўйлаб бир кесимишни зарур, Ҳолатнинг оғирлиги шундаки, ўйлашга вақтимиз оз. Жуда ҳам оз.

Саид-Абдулазиз ЮСУПОВ, сангарош уста

P.S. Биз миллатимизни бошқарилувчи эмас бошқарувчи, тарошланувчи эмас тарошловчи сифатида қўришни орзу қиламиз.

ЖУРГОФИЙ САЁҲАТ

ЕР ОСТИДА ИШЛАШ ОСОНИМИ?

XXI асрда инсоният забт эта олмаган соҳа топилмасе керак. Имконсиз ишга орзумандлик одамни энг баланд тоғ чўққилари, океан туби, чексиз галактика ва ер ости сари дадил одимлатди. Сир эмаски, дунёнинг турли бурчагида истиқомат қилувчи баъзи инсонлар қорин тўйғаиши, рўзгорини бутлаш, фарзандларини воёга етказиш учун энг оғир ва хавфли ҳудудларда ҳам ишлашга мажбур бўлмоқда.

Масалан, юқори харорат, зим-зиё тублик ва ноқулай шарт-шароитга эга қончилик ишлари. Шу ўринда, эслатиш жоизки, қончилик дунёдаги энг хавфли касблар рўйхатининг бошида туради. Демак, бу галли саёхатимиз сизу бизга нотаниш дунёнинг энг чуқур қояларига бағишланади.

Маълумки, фойдали казилмаларни қазиб олишга мўлжалланган ҳудудлар қонлар ҳисобланади. Улар қазилмаларни қазиб олуви ва ташувчи қурилмалар, ҳаво тозаловчи ва сув етказиб берувчи техникалар билан таъминланган. Хар бир қондан 50-70 йил мобайнида фойдаланиш, яъни шу давр ичида улардан турли фойдали казилмаларни қазиб олиш мумкин. Албатта, хавфсизлик қондаларига амал қилган ҳолда. Бугунги кунда олтин, олмос, қумуш, нефть, кўмир ва туз кабиларни қазиб олишга мўлжалланган қатор қонлар мавжуд.

Дунёдаги энг чуқур қонлар ЖАРДАги “Тау-Тона” ва “Витватерсранд” номли қонлар бўлиб, уларнинг бири 4500, ик-

Чуқурлик даражаси бўйича кейинги ўринларни ҳам ЖАР қонлари — 3900 метрли “Western Deep Levels Mine” (Чуқур жойланишли фарбий қон) ва 3800 метрли “Мнопенг” эгаллайди. Йоханнесбург яқинидаги “Мнопенг” қонидан олтин қазиб олинади. “Western Deep Levels Mine” қони унчалик чуқур бўлмасе ҳам, бирок ҳалокатлар учоғи саналади. Ундаги харорат ҳам 60 даражага тенг.

Рўйхатнинг кейинги ўринларини Украинанинг Донецк вилоятидаги кўмир қони (чуқурлиги 1546 метр) ва бошқа бир шахрида жойлашган темир қазиб олиш-ловчилар саломатлигига иссиқ ҳаво ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

“Тау-Тона” қони 1957 йилда фойдаланишга топширилган бўлса-да, ҳамон ундан олтин қазиб олишмоқда. Маълумотларга қараганда, бугунги кунга қадар маъзур қондан 1500 тонна олтин қазиб олинган. Йил давомида ишловчи ходимлар сони 35 минг нафарни ташкил этади.

Дунё бўйича энг қадимий қон ҳам мавжуд. Бу номга ЖАРДАги қичик қироллик Свазиленд шимоли-ғарбида жойлашмоқда. “Нгвеня” қони сазовор бўлган. Маъзур қонда илгари гематит (қонни тозалаш хусусиятига эга модда) қазиб олинган бўлса, кейинчалик темир эритишда қўлланувчи

моддалар топилган. 1960-70 йилларда қонда ўтказилган археологик қазилмалар натижасига кўра, маъзур қон тош асрига тегишли, яъни бундан 20 минг йил муқаддам ҳам фаолият юритган экан. XIX асрнинг ўрталарига келиб маъзур қондан магнитли темир рудалари

қазиб олина бошланди. 1964 йилдан 1977 йилга қадар японлар маъзур қондан ўн йиллик шартнома асосида очик фойдаланишди. Мозамбик темир йўл қурилишининг бошланиши қазилмаларини осон ва қулай ташвида ёрдам берди. Маълумотларга кўра, қондан 20 миллион тонна темир қазиб олинган. Шунингдек, қазилмалар орасида олтин ва қумуш ҳам бор.

Бошқа соҳалар тарихидан сўзловчи музейларига эга бўлгани каби, қон ишларидан хабардор этувчи қон-музейлари ҳам мавжуд. Улардан Пошлада жойлашган икки — “Величко” туз қон-музейи ҳамда “Гвидо” кўмир қон-музейлари жуда қизиқарлидир.

Г.ТУРСУНПУЛОВА тайёрлади.

БУ ТУРФА ОЛАМ

3D-ПРИНТЕР ЁРДАМИДАГИ ФАРОИЙБ ЖАРРОХЛИК

Ҳозирги кунда 3D-принтер ёрдамида шундай мўъжизалар яратилаптики, ҳайратда қолмай илож йўқ. Яқинда Британиянинг Суонс шаҳридаги Моррисон шифохонаси олимлари амалга оширган жаррохлик амалиёти шулар жумласидан.

Саратон ўсимтаси туфайли 71 ёшли Питер Мергэнс унча қовурғаси ва кўкрак суягининг ярми олиб ташланди ва 3D-принтер ёрдамида беморга кўкрак тўқимаси чоп этирилди.

Одатда бундай ҳолларда жаррохлар тиббий цементдан фойдаланиб, протез ясар эди. Бирок 3D-чоп этиш технологияси титан моддасидан имплант тайёрлаш ва операция вақтини икки соатга қисқартириш имконини берди. Протез тайёрлашда Мергэнс кўкрак тўқимасининг компьютер тамографиясидан фойдаланилди. Ушбу жаррохлик Британияда биринчи бўлиб амалиётга татбиқ этилди.

Операция саккиз соат давом этган ва шифокорларнинг сўзларига кўра, имплант беморнинг организмга яхши жойлашган. Олимлар бундай протезлардан келгусида, зарур ҳолларда фойдаланиш мумкинлигини таъкидлашмоқда.

ТОЗАЛОВЧИ ВОСИТАЛАР ЗАРАРЛИ...МИ?

Ошхона ва уй жиҳозларини тозаловчи воситалар зарари ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Берген университети олимлари бундай воситалардан фойдаланиш ўпка ишининг бузилиш хавфини юзага келтиришни аниқлади. Мутахассислар 20 йил давомида 6236 кишининг нафас олиш тизимини қузатган. Маълум бўлишича, хўжалиқда қўлланиладиган кимёвий воситалардан фойдаланувчи уй бекалари ва уй тозаловчиларнинг нафас олиш ҳажми мос равишда 4,3 ва 7,1 миллиметрга қисқарган. Бу 20 йил давомида сигарет чеккан кишининг кўрсаткичларига тенг. Астма билан оғриш хавфи эса уй бекаларида 12,3 фоизга, касби ушбу фаолиятга бевосита алоқадор кишиларда эса 13,7 фоизга ўсган. Олимларнинг таъкидлашича, сезилмасдек туюлган зарар кун сайин, йил сайин йиғилиб, саломатликка хавф туғдириши мумкин.

ЯНГИ ДРОН-ВЕРТОЛЁТ ЯРАТИЛМОҚДА

“Россия вертолётлари” холдинги оғирлиги 300 килограмм бўлган ва 70 килограммга юқини ташишга қодир учувчисиз бошқариладиган вертолёт-дрон яратилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу борада комплекс тадқиқотлар ўтказиб бўлинган ва учувчисиз бошқариладиган янги вертолётнинг ташқи қўриниши юзасидан бир тўхтамага келинган.

Вертолётнинг нухсаси ва мобил бошқарув пункти 2019 йилнинг январига қадар синовдан ўтказилади. Илмий-тадқиқот иши 395 миллион рубль (тахминан 7 миллион доллар)га баҳоланган. Қайд этилишича, маъзур дроннинг максимал оғирлиги 300 килограмми, парвоз давомидаги 6 соатни, ҳаракат радиуси 150 километри, тезлиги эса соатига 180 километри ташкил этади.

ПИКАССО ҲАЙКАЛЛАРИНИНГ СИРИ

АҚШдаги Эванстон университети олимлари Пабло Пикассонинг иккинчи ҳажон уруши даврида бронзадан ясалган бешта машҳур ҳайкалтарошлик намунаси ҳақида аниқ маълумотга эга бўлдилар.

Ушбу ҳайкаллар Франция қамал қилинаётган вақтда яратилган ва маъзур мамлакат Миллий музейда сақланган. Шунинг учун ҳам уларнинг яратилиш тарихи номаълум бўлган. Чунки айнан шу даврда Пикассо санъати “айниган” тамғаси билан таққиланган ва ундаги запас бронза фашистлар қуроли қучлари зарурати учун олиб қўйилган.

Америкалик мутахассислар ҳайкалларнинг кимёвий таркибини ўрганиб, Пикассо билан Парижда ва бошқа шаҳарларда бирга ишлаган дегрезлар фойдаланган бронзага қиёслаб қўришди. Натижада бешта ҳайкал ҳам Париждаги таникли дегрез Эмиль Робеччи устaxonасида қўйилган, деган хулосага келинди. Аммо бешала қотишма таркиби ва кимёвий хусусиятлари бири-бирдан кескин фарқ қилиши маълум бўлди. Олимларнинг фикрича, ўша қалтис даврда Робеччи зимдан иш олиб борган.

Интернет материаллари асосида ХАҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

2017 йил 31 мартдаги № 001052-09 сонли ривестрга асосан Шайхонтоҳур тумани Ягона дарча маркази рўйхатидан ўтган (ИНН 304792524) “NAMUNA GUZAR SAVDO” хусусий қорхонаси фаолияти тугатилишини маълум қилади. “VIS MED olbo” МЧЖ ўз фаолиятини тугатаётганлигини маълум қилади. Даволаш учун тел: 71-269-33-00.

► ФИКР — МУЛОҲАЗА — МУШОҲАДА

“Алломиш”ни совға қилайлик!

Аугоналар билан суҳбатимиз кизитгандан кизиди: — Бир воқеа эсимга тушиб кетди, — дея гап бошлади суҳбатдошимиз. — Бунга ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Кўшимчида эдим. Узаитилган кизи бир бола-сини етаклаб, бирини кўтариб, кўзида ёш билан кириб келди. Қўшимнинг бундан бошқа яна икки нафар кизи бор. Турмуш ўртоғи хунармайд. Уртаҳол яшашади. Қизнинг кўз ёшларини кўриб юрагимизга ғулғула тушди. Онасининг хавотирни ортди.



Бу гапнинг моҳияти ва мазмуни шундан иборатки, киз турмушга чиққандан кейин барча эҳтиёжлари келин бўлиб тушган хонадон зиммасига ўтади. Бироқ келин эмас, киз олдиқ, деб овозини тўлдириб гапирадиган қайноналар, хотинликка олаётганда унга доимо суняч бўлишга ваъда берган йигитлар орасида келинни ночор ахволга ташлаб қўйганлар ҳам учраб туради.

да турмуш қуришга ҳозирланаётган йигит-қизларга эътибор беринг! Киз ўқиганини, ишлаётганини, ойлик маоши қанча, ота-онасининг топиши яхшими, қўйинки, меҳр-муҳаббатдан-да бойликни устун қўйган, ҳаёл этган “фаровон турмуш”га интилиб кизга совчи қўйган йигитлар орамизда йўқ дейсизми?! Бор, албатта...

Сўнг ўзини босиб олиб гап бошлади. — Аяжон, кийгани қўйлагим қолмади. Янги қўйлак олиб беринг. — Болажоним, шунга шунча йигими? Қўрқитиб юбординг, — деди қўшимнинг кўнгли ёришиб. — Бундай йўқ келиб, мени қўрқитмасдан эринг ва қайнонанингга айтсанг бўлмайдики? — Эримга айтсам, онамга айтгин дейди. Қайнонамга қандай айтаман?!

— Яқинда бир танишмининг турмушга берган кизи касалхонага тушиб қолди. Уни операция қилишди. Қайнонаси касалхонадан чиқиши билан онасиникига ташлаб кетди. Ота-онаси уни тузатишиб, оёққа турғазини яна қайнонасининг қўлига олиб берди. Бунга нима дейсиз?!

Ондада ўғил ёки киз фарзанд бўлса, ота-она икковини бирдек яхши кўради. Бироқ ота ҳам, она ҳам қиздан кўра ўғилга кўпроқ суянади. Сабаб эса, уни хар томонлама қучли, иродали, сабрли, мард ва энг асосийси, ҳар бир ишни уaldasдан чиқадиган қилиб тарбиялаб, эртага ниҳолнинг ҳосилини кўриш.

— Эримга айтсам, онамга айтгин дейди. Қайнонамга қандай айтаман?!

Суҳбат давомидаги фикр-мулоҳазалар қуйидагича мулоҳазада этишга ундайди. Дилларига оғир олмасинлару мардлик, жасурлик, ғурур, ўзига ишонч каби фазилатлардан узоқлашган йигитлар ҳам йўқ эмас орамизда. Фикр, мулоҳазалар қатори-

Тақлиф ўрнида айтишим керакки, янги уйланаётган йигитларга “Алломиш” дostonини совға қилайлик. Уни ўқиб, хулоса чиқариб, ҳар фарзанд, аввало, ўзини қимларини авлоди эканлигини ҳис этсин ва аждодларимиздан ҳар томонлама ўрнак олсин. Шундангина юқоридagi каби тушунмовчиликлар ва ноҳуш ҳолатларнинг олди олинад.

Хўлода ЮНУСОВА
Уқўйрих тумани

► ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Сўлим сурхон воҳаси Олтинсой туманининг табиати ҳам, инсонлари ҳам ўзгача. Одамлари содда, мард, танти кишилар. Алломишдек ҳайқириб-ҳайқириб кураш тушган йигитлари қўллари темирдай метин, гапга чечан бўлма-са-да, ҳар ишни дўндирадиган хилидан. Юзлари қирмизи олмадек ёнадиган қиз-жувонлари ҳам йигитлардан қолишмай бирни ўн қиламан дейди. Бу элнинг бобою момолари ҳам борки, уларнинг тилидан дostonлару лапарлар, маталлар тушмайди. Улар доим эл ардоғида.

Касбидан қадр топган инсон

Бу томонларда ёши улур одамни “бова” деб қақиритиш одат. Мана, хўжасоатлик Тоғаймурод бова ҳам саксонни қоралабдики, қўлига асов олган инсон эмас. Ҳали ҳам шижоати йигитларникидек. Шунинг учун ҳам хануз эл ичда бошчи. Бир пайтлар у кишини кўрганда ҳақиқий Алломиш дерди ҳамма. Ўзи бақувват, келишган, қарашлари ҳам ўткир. Ман-ман деган пахлавоини йиқиттувчи, аммо бировнинг дилига озор бермайдиган мардлардан эди. Айниқса, дарс ўтганида ҳамма жим тинглари. Бирор нарса сўраб қолса, билмай қолсақ, шунчалар уялардики, кўтариб бўлмас шармандалик эди. Каттик урушмасди-ю, икки оғиз сўз билан жонининг оларди.

либ, дарс бера бошладим. Бугун шогирдларимга қараб ўтган умрим бекор кетмаганига амин бўламан. Уларнинг ҳаётида заррача фойдам теккан бўлса, шундан мамнунман. Хали ҳам устоз, домла, муаллим деб қақиритиларидан фахрга тўлиб, ҳаётда без яшамаганимдан севинаман.

Тоғаймурод бова ёшлик чоғларини хотирлар экан, қишлоқ мактаблари хашар йўли билан қурилганини, ўқув қуроллари етишмаслигини ёдга олади:

Тоғаймурод бовонинг қирқ йилдан ортиқ умри шу болаларга таълим-тарбия бериш билан ўтди. Ўтган йиллар мобайнида у қишлоқ ёшлари учун ҳақиқий маёқ бўлди. Чунки у кишининг сабонини олганлар орасида фан докторлари, халқ ёзувчилари, шифокору муҳандислар, хуллас, ўз касбининг моҳир усталари етишиб чиқди. Албатта, бунда устознинг салмокли ҳиссаси бор. Қишлоқда ҳам ким билан сўз-батлашманг, муаллимнинг берган таълимини алоҳида баҳолайди.

— Ҳамма илмга, китобга ташна эди. Бу китоб, дарслик дегани бир сифга битта бўлган, — дейди отахон. — Шунда катта бўлсам, ўқитувчи бўламан деб ният қилгандим. Чунки муаллим-да доим китоб бўлади деб ўйлагандим. Мактабни тугатиб, харбий хизматдан қайтишим билан ҳозирги Миллий университетнинг филология факультетига ўқинишга кирдим. У ерда адабиёт даргалари Озод Шарафидинов, Умарали Норматов, Фулом Каримовлардан сабоқ олдим. Кейин тўғри қишлоқ мактабига ке-

Тоғаймурод бованинг меҳнатлари ҳам давлатимиз томонидан муносиб баҳолашиб, “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий”, “Олий тоифали ўқитувчи” каби бир қатор унвонлар билан рағбатлантирилди.

Айни кунда саксон ёшни қоралаган Тоғаймурод бова эл ардоғида бўлиши билан бирга, етти нафар фарзанд ва ўғил набирадан оғушда шукроналар айтиб ҳаёт гаштини сурмоқда.

Чоршанби ХОЛМАТОВ
Олтинсой тумани

► КИМ КИМНИ АЛДАЯПТИ?

БУ — ЮЛФУЧЛИК ЭМАСМИ?

Пластик карточка жорий этилганлиги заб иш бўлди-да. Энди оддий дўконда ҳам, минимаркету супермаркетда ҳам тарозидан урса урадики, аммо ҳисоб-китобдан уролмайди.



Чунки 11985 сўмлик харидингиз учун сотувчи терминналнингиздан 12000 минг сўм ечиб оломайди. Бироқ нақд пул билан тўлайдиган бўлсангиз, 15 сўм ютказишингиз аниқ. Чунки сотувчида қайтим учун 15 сўм йўқ. Шу боис қайси бир дўконда худди садака бергандай бир донна конфет берса берди, бўлмаса йўқ. Олдин бор эди-ку дейсизми? Ҳа, олдин беш сўмлик ҳам, ўн сўмлик ҳам, йигирма беш сўмлик ҳам, эллик сўмлик ҳам бор эди. Уларнинг кийимига тўғри келадиган махсулот бўлмагани учун ими-жимида муомаладан чиқиб кетишди.

Яқин-яқингача 100 сўмга бир донна гугурт берар эди. Ҳозир эса 120 сўм бўлди. Мажбур бўлганингиздан кейин 200 сўмга битта гугурт оласиз-да. Лекин сотувчида бегона бўлсангиз, илтимосу илтижо қилганингиз билан 100 сўмга гугурт бермайди. Шунанга. Сиздан унга ўтса майли. Бироқ ундан сизга ўтгудек бўлса, осмон узилиб тушади.

Яна бир нарсага тушуниб бўлмайди. Масалан, супермаркетда бир кило олманинг баҳоси 10190 сўм бўлса, бир кило ноқнинг баҳоси 9990 сўм, бир кило помидор 10890 сўм бўлса, бир кило бодринг 15790 сўм. Қўрапсизми, хар бир махсулотга 90 сўм қўшиб қўйилган. Бир кило олма учун нақд 10200 сўм тўлайсиз-у, 10 сўм қайтишини садака қилиб кетаверасиз. Худди шундай бўлиши керакдек, сотувчи ҳам лом-ним демайди. Қизиксиз-а, хар ўз кишиндан минг сўм тушиб тургандан кейин албатта, лом-ним демайди-да. Минг харидордан ўн минг сўм қолганда, бир ойда роинбдан бор-йўғи 300 минг сўм келар экан. Шунга шунчами?! Ҳа энди... Лекин бу бир йилда уч миллион олти юз минг сўм бўлади-да. Йўзе-е! Ҳисоблаб кўринг! Демак, уч юздан бўлса, ўн ойда уч миллион. Икки ойда олти юз минг. Бунинг учун мен ой ой тер тўкишим керак. Бу ҳазиллакам пул эмас. Мана энди, инсоф билан айтганда бунга кўзга кўринмас юлфучлик дейиш мумкинми?! Албатта-да.

Яшанг! Харидорни шилшингиз бундай зўр усулини ўйлаб топган кашфиётчиларни қимдир тақдирлаш керакми? Ахир, бу ўз-ўзидан бўлмаган-ку. Қанча бош котирган. Қоғоз қоралаган. Қанчадан-қанча вақт сарфлаган. Синовдан ўтказган... Хуллас, меҳнат қилган. Меҳнат қилгандан кейин унинг роҳатини ҳам кўриши керак-да, ахир!

Савдони назорат қилувчи ёки мижозлар манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилотлар бундан кўз юмиб юришибди. Ҳозирча! Бир кун келиб бирорта каттароқ раҳбар бошига бир мушт уриб, буниси нимаси, деса кўзи очилиб қолар, тўғрими? Зора шундай бўлса!

Нуриддин ОЧИЛОВ

► МЕН СИЗГА АЙТСАМ...

Зап замонлар бўлди-да! Бундан йигирма йиллар аввал “кийимингиз йиртилиб ёки сўкилиб кетибди” дейишса, уялиб ўзимизни панана олардик, шарманда бўлишдан чўчир эдик. Йиллар ўтиб, юз бераётган ўзгаришлар одамларимизнинг кийим борасидаги қарашларини ҳам кескин ўзгартириб юборди. Бугунги ёшлар атайлаб йиртиқ кийимларни кийишни, шу кийимларда никоҳ ва кечки базмларга боришни иштамоқда.

Йиртиқ кийимлар талвасаси

Йиртиқ шиму юбкалар, елкаси очик қўйлақлар, калта кийимлар шунчалик урфа кирдики, бундан ҳеч ким ажабланмай қўйди. Ҳатто, кексаларнинг ҳам кўзи ўрганиб бўлди, шекилли, аввалгидек танбехлар ҳам кулоққа чалинмаётди. Келинларимиз елкаси очик (баъзан белгача очик), етти йўқ тўй қўйлақларни кийишса ҳам уят ҳиссини туйишмаяпти. Бунга кўриб турган ота-она, ҳатто, бўлажак эр ҳам жуфтнинг “замонавий” лигидан хурсанд бўлибми ё гап уқтиролмаганиданми, шунга кўниб қўя қолапти (асли эр кишини шарқона ғурур қучли бўлса, нафақат аёли, опа-сингилсини ҳам ўз измига сола олади). Кимдир бунга урф деб билса, кимдир замонавийлик дер, кимдир бировларнинг диққат марказида бўлишни истар, хуллас, хар кимни ўз истаклари бошқараётди. Аммо буларнинг барчасида “миллийликдан йироқлаштириш”ни мақсад қилган қўриммас куч устун келаётгандай...

кийимлар билан ажралиб туришимизни хоҳлаётгандек бўламан. Ўта миллатпарвар бўлсангиз ҳам атрофдагиларга қараб, “ҳамма шундай юрибди-ку, эл қаторида” деган фикр ҳаёлингиздан ўтади. Миллат олдидаги масъулият эса бир зум унутилади. Ҳўш, бунга ким айбдор? Бозори чакон йиртиқ-ямоқ кийимларни пешма-пеш келтириб расталарни тўлдирётган сойувчи, замона зайлга қараб шуларни кийишга ошмаётган ёшларми ёки ўзи ҳам миллийликни унутга бошлаган ота-онами? Сотувчининг мақсад-вазифаси — қандай кийим-кечак бўлмасин, мўмай даромадга эга бўлиш. Уларни ҳам тушуна бўлади. Ахир, сотувчи талабга қараб иш тутиши кундай равшан-ку!

Бу билан сотувчини оқламакчи эмасмиз. У ўз номи билан сотувчи. Касби сотиш... Бундай ахвол ҳамма жойда ҳам шундай эмас. Қувонарлик, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар ҳозирча эвди. Масалан, дейлик, водий бозорларининг аёлар узунлигига кирсангиз, асосан узун қўйлақлар, турли-туман рўмолу-шарфлар қўни қувонтиради. Четдан келатган йиртиқ-ямоқ либослар, калта юбкаларни деярли учратмайсиз. Фарзанднинг юриш-туришидан

Кийимини маданиятнинг кам қандай тушунада?



тортиб, хулқи-одобию кийим-кечагига ота-она тарбиясини бор бўй-басти билан намоён этиб туриши ҳаётда аллақачон тасдиқини топган ҳақиқат эканини ёдга олиш кирфоя. Тўғри, катталарга кулоқ турмай, ўзбошимчалик билан ёки атрофидаги ўртоқларига қараб, иш кўрадиган ёшлар ҳам бор. Бундай пайтда тарғибот катта роль ўйнайди. Тарғибот воситалари кенг тарқалган бугунги кунда улардан ўринли фойдаланиш ҳам яхши самара бериши кўп бор синалган усул. Шу маънода, телевидение энг қучли тарғибот воситаси бўлиб қолаётди. Аммо афсуски, бу фақат ижобий натижа бераётгани йўқ. Айрим хусусий каналлар билан-билмай, ўз дастурлари — кўрсатувлар, фильмлар, сериаллар, рекламалар орқали миллийликдан йироқ, аъналарини

миз ва қадриятларимизга зид ахборотларни тарғиб этмоқда. Биргина мисол, телеканалларимиз “безаб турган” кўпгина сериалларнинг мазмун-моҳияти менталитетимизга ёт, қарашларимизга зид. Актерларнинг кийишини ўзини тутиши вағна тегадиган бир ахволда — йиртиқ, танага ўта ёпишган, очик. Инсон визуал ахборотни эшитилган ахборотдан кўра тезроқ қабул қилиши аллақачон исботини топган. Юз марта эшитилган бир марта кўрган яхши, деб шунга айтадилар. Ўсиб келаётган ёшлар ана шу қаҳрамонларни ўзи учун идеал шахс сифатида қабул қилмаслигига ким қафолат бера олади?

Акс эътироф

Зукко ўқувчи хориж сериаллари актерларини танқид қилишдан аввал, ўзимизнинг

шоу-бизнес олами вакиллари ҳам бир назар ташланг дегани бўлса, ажаб эмас. Дарвоқе, бу масалада баъзи юлдузларимиз алоҳида “этироф”га сазовор. Негаки, клипларда суратга тушаётган айрим санъатимиз вакиллари (санъаткор сўзининг юки оғир) очик-очик, калта-култа кийишида бошқаларга яхшигина ўрнак бўлаётганини ҳам яширишга ҳожат йўқ. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир-иккита мисол келтира қолайлик. Шу кунларда каналларимизда қайта-қайта намоён этилаётган Райхон Ганиеванинг “Ҳамма жам”, Нилуфар Усмонованинг “Кел иккимиз” қўшиқларига олинган клипларда кийиб тушган либосларини кўргандирсиз. Минглаб-миллионлаб томошабини қаршида пайдо бўладиган сериалларнинг мазмун-моҳияти менталитетимизга ёт, қарашларимизга зид. Актерларнинг кийишини ўзини тутиши вағна тегадиган бир ахволда — йиртиқ, танага ўта ёпишган, очик. Инсон визуал ахборотни эшитилган ахборотдан кўра тезроқ қабул қилиши аллақачон исботини топган. Юз марта эшитилган бир марта кўрган яхши, деб шунга айтадилар. Ўсиб келаётган ёшлар ана шу қаҳрамонларни ўзи учун идеал шахс сифатида қабул қилмаслигига ким қафолат бера олади?

Ўз бозоримизни қачон ўзимиз ағдالاёмиз?

Кийимни маданиятнинг ҳақиқат сўз очар эканми, хали бу борада қилинажак ишлар кўп-лигига амин бўламан. Ҳўш, кўпгина ёшларнинг диққатини, ақлини ўғирлаган ажнабий кийимлардан воз кеча оламизми? Афсуски, ушбу кийимларни йўқ ҳам, инкор ҳам қила оламиз. Аммо бугун-

ги ўзбек миллий модасини тарғиб қилишимиз мумкин. Асёлган бўлса, ажаб эмас. Дарвоқе, дунёнинг етакчи дизайнерлари ўзбекларнинг атласидан қўшиб-чатиб, ўз номи билан либослар тақдим этаётганини, бизнинг оддий эски корвушларимизга сал ўзгартириш қиритиб, мода оламининг энг юқори чўққисини забт этаётганини ҳамма ҳам билмаса керак. Энг сифатли ипак толарани, пахта толаси ўзимизда етиштирилса-да, ҳалиям сифатли кийим махсулотларини бошқа давлатлардан олиб келаятиз. Узоққа бормаёлик, айни пайтда биргина Қирғизистонда ишлаб чиқарилган кийим-кечаклар дизайни ва сифати билан эътиборимизни тортмоқда. Ҳозирги кунда Туркия ва Бишкек энгил саноат махсулотлари ўзбек бозорларида етакчи ўринни эгаллаб келатганини ҳам ҳаммамиз кўриб турибмиз. Наҳотки, ўзбек мутахассислари ҳеч бўлмаса ўзимизнинг бозорларини ҳам забт эта оламса?!

Ўзбек дизайнерлари сифатли ва бежирим кийимларни тақлиф этмас экан, фарзандларимиз “йиртиқ” кийимларга ошно бўлиб қолаверади. Ёшлар онгли равшанда бунга ўзлари инкор этмас экан, барча сабъ-харакатларимиз бечасар бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Кийимнинг маданиятини йўлга қўйиш ва самарага эришиш учун эса, биринчи навбатда, ўзбек модаси ривожланиши ва тараққий этиши керак. Тўғри, жаҳон подиумларида ўз дизайнерлик ишнини намоён этиб келаётган мута-

хассисларимиз бор ва бундан мамнунмиз. Аммо бу хали бозорни эгаллаш ва ўзбек истеъмолчининг талабини қондириш даражасида эмас. Шундай бўлиши керакки, одамларимиз Туркия махсулотига қизиқиб билдиргани каби ўзимизнинг дизайнерлар ишига ҳам эҳтиёж сезишсин. Ўзбек модаси илгариллаб бораётиб, бошқа мамлакатлар ўз “гай-риоддий” урфи билан бизни ишроқ этолмайди. Соҳанинг энг яхши мутахассислари ўз ишлари билан тез-тез кўриниб туришлари, мақсадаги мувофиқ бўларди. Бу масалада юқорида таъкидлаганимиздек, телеканалларимизнинг хизмати катта бўлиши лозим (айни пайтда “Менинг юртим” телеканали орқали дизайнер Шахзода Муҳаммедова махсус кўрсатув олиб бораётганини ҳам қайд этиш зарур. Аммо кўрсатувнинг номидан бошлаб, махсус меҳмон учун тикиладиган кийимларнинг миллийликка алоқаси йўқ). Бундан ташқари, ўзбек модаси кунлари мунтазам ташкил қилиниб, телевидение орқали намоён этилиб бориши, реклама ва бошқа дастурларда либосларга алоҳида эътибор берилиши ҳам ёшларимизни оз бўлса-да, маданиятсизликдан асраб қолади, деб ўйлай-миз.

Хулқар АБДУЛЛАЕВА,
Республика Маданият ва маърифат маркази бош мутахассиси,
Хўлода ФАЙЗИЕВА,
“Hurriyat” мухбири

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАП

Узоқ йиллар бурун болалар орасида Фафур Фуломнинг "Шум боласи"ю Худойберди Тўхтабевнинг Хошимжони маълумо машҳур эди. Буни қаранглик, Қоравою Хошимжон бугунги болалар кўнглини ҳам забт этган. Бироқ янги қаҳрамондан дарак йўқ. Қолаверса, болалар адабиётида Гулханийдан ("Зарбулмасал") сўнг хайвонот олами муфассал қаламга олган бирор ижодкор чиқмади. Хўш, нега? Ҳа, айтгандай, хайвонот олами ҳақидаги бир-икки китобча чоп этилди. Бироқ тарғиботнинг кўлмак сувдек тинчлиги боис, уни бугун бармоқ билан санарли одамлардан бўлак ҳеч ким билмайди.

Этборингизни, дунё адабиётида жохон халқларнинг қон-қонига сингиб кетган қаҳрамонлар мавжуд. "Бурағино", "Чипполино", "Ҳаётнинг ёшли капитани", "Том Сойернинг саргузаштлари", "Гулдиернинг саҳна ҳаётлари"... Аммо, бизнинг фарзандларимиз қандай китоб ўқияпти? Болалар адабиёти боланинг салоҳиятини ошириш учун қайси китобни беҳадик тавсия эта олади? Жимлик...

Бугун болалар ойнаи жаҳон орқали космосга саёҳат қилипти. Дунёни ўрганипти. Хорижий давлатларда амалга оширилаётган бундай интеллектуаллик асида бизнинг миллий қаҳрамонларимизга, халқ озаки ижодининг омилларига тегишли эмасми? Ҳайлаб кўрайлик! Негаки, биз ҳамон "Зумрад ва Қиммат"ни экранлаштиришда бошини катта, овозини дуриллаб, воқеасини насихатдан нарига ўтказмапмиз. Албатта, насихат ҳам керак, аммо муттасил келган сув тошқини тўғонли бузмай қолмайди. Бу ўринда боланинг дунёқарашини зериктиради. Нега чет эл болалар ёзувчи-

ларини ўз мамлакатининг, бошқа юртларнинг, ҳатто бизнинг издошлари эса негандир сусткаш... Тўғри, ҳозир ҳам ёзилапти. Бироқ бир ўқийсан, ҳатто хотирингда ҳам қолмайди. Худди хўжақўрсинга ёзилаётгандай... Бозорларни, китоб дўконларини айлансанг, расталарни тўлдириб турган Худойберди Тўхтабевнинг асарларидан бошқа асар йўқдек туюлади. Шунингдек, нашриётлар ҳам буюртма асосида таржима қилдириб, чет эл хикоя ва эртакларини том-том қилиб бошиштипти. Улар ҳам ўқиб ва уқиб учун албатта. Лекин бир марта яраб ўқийдиган хикоя эртакларнинг мазмунини ҳам ҳаминкадар... Қисқасини айтганда, миллий болалар адабиёти оқсанадиган қолмакда. Болалар адабиётининг мезони ҳам, асоси ҳам шубҳасиз, халқ озаки ижоди. Унда миллий тарихий қаҳрамонларни яратиб батамом йўқ бўлиб кетди. Алломиш, Гўрўғли, Кунтуғмиш, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Широк, Тумарис... Санаб адо қилолмайсан. Бутун дунё тамаддунига асос еолган боболар — даҳо қаҳрамонларнинг бари бизнинг аждодларимиз-ку! Ҳот-ҳот насихатомо жараёнларни йўқотиб қўйган. Катта-кўра, боболаримизнинг қаҳрамонликларини болаларимизга содда йўсинда хикоя қилиш, экранлаштириш барқамол авлоднинг шакллантиришнинг тамал тоши бўлиши шубҳасиздир. Фарзандларимиз эса улардан барча яхши фазилятларни ўзлаштириши турган гап.


Бугунги болаларга ўйноқларанглар, жониворлар, мулът қаҳрамонларнинг фильмлар қаҳрамонларининг ҳаракатлари қўл келади. Негаки, замон билан ҳаммафас ўсаётган болани "Сени Лайлак ташлаб кетган" дея алдаб бўлмайди.

Ҳикматлар

Бир кунни ўргимчак ипак қуртига бундай деди: — Биродарим ипак қурти, озагина пилла ўраш учун неча кун тинмайсан. Мен бўлсам, бир деворни бир неча соатда ўраб ташлайман.

БОЛАЛАР

қандай асарларни оқтайди?



ларини ўз мамлакатининг, бошқа юртларнинг, ҳатто бизнинг издошлари эса негандир сусткаш... Тўғри, ҳозир ҳам ёзилапти. Бироқ бир ўқийсан, ҳатто хотирингда ҳам қолмайди. Худди хўжақўрсинга ёзилаётгандай... Бозорларни, китоб дўконларини айлансанг, расталарни тўлдириб турган Худойберди Тўхтабевнинг асарларидан бошқа асар йўқдек туюлади. Шунингдек, нашриётлар ҳам буюртма асосида таржима қилдириб, чет эл хикоя ва эртакларини том-том қилиб бошиштипти. Улар ҳам ўқиб ва уқиб учун албатта. Лекин бир марта яраб ўқийдиган хикоя эртакларнинг мазмунини ҳам ҳаминкадар... Қисқасини айтганда, миллий болалар адабиёти оқсанадиган қолмакда. Болалар адабиётининг мезони ҳам, асоси ҳам шубҳасиз, халқ озаки ижоди. Унда миллий тарихий қаҳрамонларни яратиб батамом йўқ бўлиб кетди. Алломиш, Гўрўғли, Кунтуғмиш, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Широк, Тумарис... Санаб адо қилолмайсан. Бутун дунё тамаддунига асос еолган боболар — даҳо қаҳрамонларнинг бари бизнинг аждодларимиз-ку! Ҳот-ҳот насихатомо жараёнларни йўқотиб қўйган. Катта-кўра, боболаримизнинг қаҳрамонликларини болаларимизга содда йўсинда хикоя қилиш, экранлаштириш барқамол авлоднинг шакллантиришнинг тамал тоши бўлиши шубҳасиздир. Фарзандларимиз эса улардан барча яхши фазилятларни ўзлаштириши турган гап.

Гашнинг индиёлосини айтсак, шу пайтгача ёзилган асарга ҳақ тўлаш микдори ижодкорларни маданий ҳазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарларини айнан она тилимизда яратиб, унинг шухратини бутун дунёга тараннум этган. Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлиги, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Яхши ижодкорлар, маърифатпарвар бобомиз Абдулло Авлонийнинг «Ҳар бир миллимлатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тили ва адабиётидур. Миллий тили йўқотмак — миллимлатнинг руҳини йўқотмакдур» деган хикматли сўзлари ҳам бежизга айтилган эмас.

Ижодкорларимиз бу жанрда унчалик талаб йўқ дебми, ёки жанрнинг кўп эътироф этилишига қарабми, балки тезроқ тилга тушишга интилиш нукта назариданми моддий манфаат, шунингдек, тан олинмишга бўлган хоҳишдан келиб чиқиб асарлар ёзаётгандир. Эҳтимол, олий таълим муассасаларининг тегишли факультетларида болалар адаби-

Адамасам, ўтган йилни Россия "Адабиёт йили" деб номлади ва шу йилда болалар адабиётини ривожлантириш ва уни экранлаштиришга катта маблағ ажратди. Ўртак бўларли ҳолат, албатта. Яна шуни ҳам алоҳида эътироф этиш керакки, Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори, 23 августда Ўзбекистон зиёли ижодкорлари билан бўлиб ўтган учрашув ва

14 августдаги "Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ муаллифларга бериладиган қалам ҳақининг 85 фоизга кўпайгани, болаларга мўлжалланган асарлар учун қалам ҳақи 2,5 баробарга кўтарилгани, шунингдек, Президентимизнинг Олий мажлисга мурожаатномаси юртимиз ижодкорлари ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб, адабиёт соҳасида ўзига хос инкилоб бўлди ва ҳар бир қалам тутган шахсининг эртанги кунга ишончини шубҳасиз мустаҳкамлади.

«Яратганимиз ўзи ато этган яна бир бебаҳо бойлигимиз борки, у ҳам бўлса, халқимизнинг бекиёи интеллектуал ва маънавий — салоҳиятдир» — дейди Президентимиз Ш.Мирзиёев.

Бекиёи интеллектуал ва маънавий салоҳиятимиз самараси ўларок, яхши асар яратиш учун, аввало, ҳар бир ижодкор ўз она тилини юксак даражада кадрлаши, би-

лиши лозим. Ахир буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий умумбашиарий маданий ҳазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарларини айнан она тилимизда яратиб, унинг шухратини бутун дунёга тараннум этган. Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлиги, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Яхши ижодкорлар, маърифатпарвар бобомиз Абдулло Авлонийнинг «Ҳар бир миллимлатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тили ва адабиётидур. Миллий тили йўқотмак — миллимлатнинг руҳини йўқотмакдур» деган хикматли сўзлари ҳам бежизга айтилган эмас.

Ижодкорларимиз бу жанрда унчалик талаб йўқ дебми, ёки жанрнинг кўп эътироф этилишига қарабми, балки тезроқ тилга тушишга интилиш нукта назариданми моддий манфаат, шунингдек, тан олинмишга бўлган хоҳишдан келиб чиқиб асарлар ёзаётгандир. Эҳтимол, олий таълим муассасаларининг тегишли факультетларида болалар адаби-

Фақат бугина эмас, бугунги кунда ёш ижодкорларнинг китобини чоп этиш борасида ноширлар ва нашриётлар томонидан изчиллик кўзга ташланаётган. Китобхонлик маданиятини шакллантириш, китоб ва китоб маҳсулотларини тарғиб қилиш ва чоп этиш борасидаги қатор Қарор ва Фармонларга кўр-кўрона ёндашиш туфайли юзакчилик юзага келмоқда. Нашриётлар томонидан маблағини йўқлиги, шеврий ёки таниқли бўлмаган ижодкорларнинг китоби сомувада ўтмаслиги вақ қилиб кўрсатилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Дароқе, шеврий китоблар масаласида: нима эмиш, харидоргеир эмасми. Ажабо, боғчада шевр, мактабда шевр, уйда шевр, тўйда шевр, саҳнада шеврлар ўқилиб тура-ю, дўконларда шоирларнинг китоблари йўқ. Борлари ҳам санокли... Аммо энди бу бошқа масала...

Шавкат ОДИЛЖОН

етини ўқитиш, ижодкорларни тўғри йўналтириш ва тайёрлаш сусайган бўлса ажабмас. Қолаверса, бир пайтлар мавжуд бўлган "устоз-шоғирд" анъанасининг бугун бадий адабиётда деярли йўқолиб кетгани ҳам болалар адабиётининг ривожланишига кескин тўқсизлик қилиётми? Шу туфайли, ярқ этиб чиққан болалар ёзувчисини кўрмаётганимиз.

— Чиндан ҳам сўнгги йилларда болалар адабиётини шиддат билан кириб келган ёзувчи ёки шоирни кўрмадик. Бизнинг "Чўлпон" нашриётимиз айнан болалар нашриёти ҳисобланади. Нашриётимизда китоблар чоп этиляпти. Бироқ авлодларни ўстирадиган, онгу-шуурингга, юрак-юрагингга ўрнашиб қоладиган китоб яқин ўртада келгани ёки, — дейди "Чўлпон" нашриёти бош муҳаррири Даврон Улуғмуродов. — Нашриётларнинг-қу иқтисодий аҳволи маълум. Баъзан адибларимизнинг қаламлари синдикман, деган хат-ёлга борсан киши. Аммо ёзилаётган, чоп этилаётган китобларни ҳам тарғиботи ўлда-жўлда бўлиб турган бир пайтда янги ва залворли асарни ҳам ўртамиёна асарлар қаторида кўрган кишини таби хира тортиши турган гап. Бир ёқадан бош чиқармас эканми, болалар адабиётининг ривожланиши, тарғиб этилишида асосий роль ўйнайдиган адабиётшуносларимиз, олимларимиз, танқидчиларимиз нега мум тишлаб олишган. Яқин орада "ўх, нуктасига урибди" дейилган танқидий мақолага кўрмадик. Адабий танқидчиларимиз чоп этилаётган болалар адабиётига оид китоблар ҳусусида нега ёзишмаяпти... Ҳажми қандай бўлишидан қатъи назар, адабиётшуносларимиз эмасми ўқувчиларга асарини яхши-ёмонини ажратиб берадиган. Шўрвасининг шўрваси бўлаётган таржималарини ўқувчилар қўлидан улоқтиришга ундайдиганлар ҳам танқидчиларимиз эмасми? Аммо умидимиз бор: ҳозиргача пайсалга солиниб келинаётган ишларни Президентимиз, халқимиз ишонч билдираётган ёшлар қилади. Бирининг қаламидан сиёҳ тугар, бирининг истеъдоди чалғир... Лекин албатта, бири бўлмас бири яқин орада "портлаб" чиқади, болалар адабиётининг қаҳрамонига айланади. Худди шу нукта назардан олганда, бу каби эврилишлар адабий танқидчиликда ҳам, ноширчиликда ҳам ҳодиса сифатида рўй беришига шубҳа йўқ.

ЭҲТИРОМ

Таниқли шоир Азим Суюннинг шеърият майдонида такорланмас ўз йўли ва овози бор. Қалби кенг, тасавури ва тафаккури жуда бой. Рухий сезимлари ғоят ҳайратли.

Мангулик лаҳза бор шубоқ исиди

Азим Суюн — табиат ва Ватан кўйчиси. У дулдуд чоптириб роҳат қилади. От — йигитнинг сўнмас бахти деб ҳисоблайди. Табиат манзараларидан илҳомланиб, оймоғона шеър ўқийди. Юлдузларга боқиб, узоқ келажак ҳақида ўйлайди. Унинг фикрлари тоза, орзу-ўйлари беғубор. Шундан ҳар бир мисралари жозибдор ва таъсирчан.



Шоир "Ватан фасллари" туркумида "Энг буюк жасорат Ватан йўлида қилинган жасоратдир" дейди. Сени шарафлайман Буюк жасорат... Одамзод қалбини тарқ этсанг агар Оламини босарди дўзахий андуҳ, Беаъно яшарди Заминда башар Мангу шараф сенга эй, холоскор Рух! Шоир қалби доим мўъжизаларни қидиради, уни топишга интилади. Ҳар бир гиёҳ, тошларнинг фаслларга қараб ўзгарши ҳам уни бефарқ қолдирмайди. Пойтахтга кетиб олисларда қолган чорбоғларни, сирларни сирдош бўлган бўйдор теракларни, бургуту тўғрайлар, қаклигу сорларни соғинч билан эслайди. Бу кадрон туйғулар уни беғубор болаликка, у яшаган қишлоқнинг бетакрор гўзалликлари ва бетимсол беғуборликлари сари етаклайди. У ўз элининг мардлигидан, ҳеч қачон бировага тобе бўлишни ветамаслигидан кўксига фахр туйғусини туяди. Юксак ифтихор билан у:

Андиз ўсан ерларда отлар бевақт ўлмағай, Яхши бўлса аёллар эрлар юзи сўлмағай. Қайси юртда чинакам ботиб эрса йузимлар, Ушал юртининг эллари ёвларга қул бўлмағай, — дейди. Қалбнинг бир четиди яшириниб ётган шубоқ исиди "Мангулик лаҳза"лар унга куч беради. Азим Суюннинг табиат манзаралари акс этган шеърларини диққат билан ўқисангиз, у тасвирлаётган сюжет худди мусаввир мўйқаламидан тўқилган асардек кўз ўнгингизда гавдаланади. Баъзида эса чанқовузнинг овози, сирли шивирларини тинглангандек бўласиз. У сўлим табиатдан илҳомланиб гўзал бадий манзаралар чизади, шу орқали Ватанга меҳр ва садоқатини изҳор этади. Шоирнинг соғинч тўла хайкириқлари беихтиёр сизга ҳам юқади. Буни А.Суюннинг "Соғинч кўшиги", "Тераклар", "Тоғ қўллари", "Булдулар йилини" каби қатор шеърларида ҳам кўриш мумкин. У "Шом шафақи" тушган киши чилласини тасвирлаб:

«Бундан тўхтаб қолган жилаалар Тўниб қолган юлдузлар кўжда. Шода сирга таққан жингиллар Букчайишиб турар оқ юкдан», — дейди. Шоир тасвирини давом эттираркан, у нафақат ойдин оқшомнинг сирли кўринишлари, балки "қорли салтанат" гўзалликларини, сукунат жимлигига маҳлиё бўлибгина қолмай, бу кечада "ойга қараб улиётган" бўйлар, қашкирлар галаси ҳам борлигини таъкидлайди. Ижодкор қалби гўзалликка шу қадар ташнаки, у бетакрор хилқат, ғаройиб манзаралар қаринишда ҳайратга тушади. Унинг жон озини сўз, ҳаёти меҳр билан тирикдир. Сўз сеҳридан руҳланган, ғайратга тўлган қалблар яратиш, яшариш ва янгилаиш завқи билан яшайди.

Биланми, ҳаёт фақат шодликлардан иборат эмас. Унинг бахтли онлари билан бирга, синовли лаҳзалари ҳам бисёр. Шоир ҳаёт ташвишларидан озор чеккан пайтда олисдан чанқовузнинг сеҳрли овозини эпиттагандек бўлади. Кўз ўнгиди қия-қия учаётган қирғинлар, ожиз боқётган кўзтикан жонланади. Жарликларнинг ҳов, настиди Парча бўлут кўлкасида Кўлмак — ҳовуз ётар пишиб Бир бадқовоқнинг тусидай. "Муҳаббат хайратлари" шеъриси эса ҳаётга чанқоқлик, муҳаббат ташналик ижодкор хайратига ҳайрат қўлади. У "Мангулик лаҳза"да қилиб бир руҳ бор" лигини қалбни хис қилади. Яна бир шеъриси чики бир ботиний туйғу яширин. Бу тилимни англаб етган санъаткорлар шеърини қўшиқ қилиб қуйлайдилар.

Эсим кетган қай дарёда чўмиламан, Соҳларнинг орасига қўмиламан. Шоир Азим суюн умрин яшаб ўтгай, Бу дунёда қандай ундан айриламан. Бундай лирик шеърлар шоир бисотида кўп. Айниқса, "Кўнгли сирлашуви" номли шеърда ёрга таъриф бериб, "Наъматакинг гулларида қўйлақ кияр" ёки "Хиром қилса тақир ердан чечак унар" каби чиройли мисраларда ташбеҳ ва образлар ишлатадики, бу фақат Азим Суюннинг ўзигагина хос. Шоир ҳар бир сатрида умуминсоний ғояларни улуглайди. Бир шеъриси "Миллатим қизлари" деб фахрланса, бошқасида япон ва вьетнам аёлларининг оқиллигини, сабр-қаноатини қаламга олади. Баъзан ёшлик човларини кўмсаб: Дулдуд билан сакраб ўтдим қанча тошқин селлардан, Ҳақ асради ҳақу ноҳақ изғиринчи еллардан, Еднонамалар қолди фақат ўшал олис йиллардан... Шон-шавкатли отли-отли дамлар қани? Ижодкор ўз шеърларида халқ озаки ижодиётидан мохирлик билан фойдаланганки, у ўқувчи қалбини хаяжонлантирмасдан қолмайди. Шоир ҳаётда кўрган барча шодлик ва синовли қуиларга шукрона айтиб, кўтаринки руҳ билан ижод қилиб келмоқда. Азим Суюннинг янгироқ шеърлари ўқилгани ҳолда муҳлисларини ўзи жалб этиб келади.

Адиба УМИРОВА, Абдуғани СОДИҚОВ

Бир кунни...


бетимсол матолар тўқилади, тасаввур қила олмайсан. Ипагим аjoyиб ишларга қодир. Инсонлар менинг маъсулимдан кўп фойда кўрадилар. Оёқ иш қиламан, аммо ишнинг пухта, тоза қиламан. Ўз санъатимни яхши ишлата биламан. Ишнинг шундай пухта қилганимдан бахтиёр-

ман. Чунки ишнинг яхши бажарган, санъатини яхши қўлаганларни ҳамма севади. Мана шунинг учун мен жуда бахтиёр ва саодатмандман. Ишимни, вақфамни яхши бажараверман. Вақфамни бекор кетказмайман, — деб жавоб берди. Гулчирай ИСОҚОВА тайёрлади.

УММОНДАН ДУР

Асрлар силсиласини титратган, қалбларга ишқнинг илохий муждаларини жўнатган, маъшуқанинг минг турли ноз-карашмаларини рассомдек чизиб кўнглини турфа хил ўйнатган, қалбларга зиё, кўзларга маъно киритган буюк даҳонинг ҳадисиз-чегарасиз таълими ҳар бир ўқувчи шуурини коинот қадар кенгликларга элтади.

Навои қадимий юртимиз



Унда балоғат, фасоҳат, зарофат, матонат ва иродатни чиниктириш шарт. Йилларнинг сабрсиз кунларининг этагини тутмоқ учун, албат, буюк ижодкорнинг улкан ҳазинасига киритувчи калитни изламоқ жоиз. Бунда Аҳриман девинг минг турфа хийлалари, арслоннинг кучли панжалари, темир баданларнинг нишонтолар камонлари ҳар сония забун қилмоққа шай. Илохий ишқ соҳибининг руҳни юксакка кўтарувчи сатрлари толиб ва толибаларни бу синовларни енгиб ўтмоқ учун энг муносиб кўприк вазифасини ўтади. Йилларнинг сурони, умр қарвонини маъзи тўла фикрлар олами томон етаклашда уларнинг ҳиссалари беиҳсо. Бу боддан маъно гавҳарларини терган киши оламини теранроқ англаша, жисм оромидан ҳам муҳимроқ ҳодисотлар борлигига, у борлиқнинг санъаткори томонидан бир-бирига мўъжаз ва мўъжиз ришталар ила боғлиқ эканлигини ҳис этасан.

Борлиқда турмушнинг майда ташвишларидан кўра анча улкан ва муҳимроқ амаллар борлигини мудом қалб қулоғинга қўйиб тургучи буюк мисралар ишонсидир. Саноксиз ва сўғисиз сатрлар қаъридаги маънолар биргина байт қатига жам этилган бу ерда:

Одамий эрсанг, демасил одамий, Ониким йўқ ҳалқ вақидин гами.

Ўз сатрлари заминига шундай умуминсоний улкан дард-ни, ул зоти қарим ўз кичик жуссасига бутун коинотнинг ҳасрати ва дардини сиғдира олишини ифода этади. Ҳар бир каламининг йўли ўзидан минг турфа зар-зур сочиб, талабгорларнинг кўзини қамаштиради. Қайси йўлга кирмасини, унда ҳазинанинг барчасини олиб чиқмоққа шай бўлган барча толиблар фақат миндан бирини олмоққа имкон топади, ҳолос. Умрнинг бир сиким онларидан маъно гавҳарларини ўз онгу шуурига, қалбининг ҳар бир пучмоқларига жойламоққа шай ходимлар илохийет илмининг нуруларидан қалблари ва руҳлари яйрайди.

Ҳар бир ҳарфга мазмун юклаган, уларнинг ҳар бирдан ясалган уста ҳайкалтарошнинг тимсоллари киши кўзини яшнатади. Руҳини яйратади. Бисмиллоҳнинг ҳар бир парчасидан улкан асар яратади. Кўз олдинда Малих сингари жон бериб, минг турфа ҳол билан ўйнатади.

Ул зот қалби уммонлардан-да кенг, ўз сатрларини ҳеч кимдан қизанмайдди. Ҳар бир навос ўзича маъно дурларини териб чиқади. Руҳдаги талотумлар яна-яна дея, ўша ҳазина томон шоширади. Топган гул, топмаган бир бов пиёз деганларидек, бу йўлдаги солиқ ўзича оламини англай бошлайди.

Авалло, иймонни, руҳни тазартиришни, эзулик абадий эканлигига ишончини, қалбнинг туб-тубида ўз исмини топа олмаётган бечора ҳисларнинг товланишларини, маънавий юксалиш ҳузурини қалб туя бошлайди, хурсандчилигининг чеки-чегарасини билмай олами куброда хиром этади. Бу сўз ижодкорнинг мислсиз гўзалликларининг мўъжизакори эканлигидан дарак беради, бизга. Сонияларнинг кадрини Буруқнинг ёрдами ила ҳис этиш бахтини тортиқ этади. Ҳар бир кунимизнинг асрларга тенгдош эканлигини бот-бот ёдимизга солади. Натижада, бугуннинг ғаниматлигини сезмоқ учун бизнинг елкаларимизга устига қанот текиб, парвозга шайлайди.

Руҳ макомларига бориш йўлларини, эҳтиётсизликнинг зарарли оқибатлари ҳақида бир томондан фикр юритса, бошқа томондан оламнинг сирли хилқатлиги, оддий, шу билан бир қаторда, мўъжизакор эканлигини қалбнинг ҳув чуқурликларига секин сиздириб боради.

Навоийдан илохий ишқнинг ҳадисиз чегараси, инсоният, коинот, жамоат, ҳайвонотнинг сирли яраткичларнинг мукамал намунаси эканлигини онгининг энг чуқур ерига томон элтиб боради. Шу дамда барча оламнинг гултожи эканлигини, шунга муносиб яшай олиш ҳайратини сизга тақдим эта олади.

Хуллас, буюк сўз санъаткоридан мен яшаш лаззатини, ором олишда ҳаловатини, зарранинг миндан бир бўлиги бўлиши олами кубронинг ҳадисиз-ҳудудсиз имконини, бадиий сўзнинг нодир ва бебаҳо қийматини, руҳий кечинмаларнинг нозик турларидан чиқаётган мунгли ва фараҳбахш куйларини, умуман олганда, ҳаётимизнинг асл маъносини ўргандим.

Лайло ҲАСАНОВА

МУНОСАБАТ

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг атоқли аллома, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳақидаги фикрларини ўқиб қалбимиз фаҳрга тўлди. Улуғ алломалар, буюк файласуфлар, донишманд инсонлар ҳақида гап кетганда узоқ тарихга ҳаёлимиз кетади. Замондошларимиз ичида ҳам илми, тафаккури, заковати билан дунёга танилган юртдошларимиз борлигига кўпинча эътибор бермаймиз. Жумладан, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари худди шундай улуғ алломалардан бири эди. Яқинда Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимизнинг Чилонзор туманида қад ростлайдиган масжидга Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номи берилиши ҳақидаги хушхабардан ёш тарихчи олим сифатида, қолаверса, улуғ устознинг шогирди қаторида катта суюндим. Зеро, бу қанчалик қувончли, ҳаяжонли воқеа эканлигини собиқ Шўро даврида яшаган, ярим асрлик яқин тарихимизни яхши биладиганлар янада кўпроқ ҳис қиладилар.

Утган асрнинг саксонинчи йилларида вафот этган бобом, Нақшбандия тарикатининг силсиласи таркибида ўттиз биринчи халқада турадиган, Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида исм-шарифлари қайд этилган Исмоилхон Факриий ҳазратлари (Аллоҳ раҳмат қилсин) "Ҳеч бўлмаганда ҳайит байрами кунлари радиодан табрикнома ўқиса эди", деб орзу қилган эканлар. У зотнинг қалбидан кечган туйғуларни 2004 йил "Адолат" нашриётида чоп этилган "Баёни Факриий" китобида ҳам ўз аксини топган.

Албатта, у замонлардаги қийинчилик, илм олиш машаққатини кўпчилик надомат билан ёдга олади. Бобимизнинг мададлари, дуолари шарофатидан Ҳазрат Дўстмуҳаммад домла бобо (1938—2013) ва Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (1952—2015)дек инсонларнинг шогирди бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Устозларим умри давомида меҳнат, саъй-ҳаракат, тинимсиз изланишлар натижа-сида бизга, келажак авлодга динни етказишдек, қатта ва савобли хизматларни бажарганлар. Вирлари асосан шогирд тайёрлаган бўлсалар, яна бирлари китоб ёзиш билан машғул бўлганлар.


Юртимизнинг йирик уламо-лари суҳбатларида иштирок этиш бахтига муяссар бўлганман. Айниқса, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмоҳон Алимов, у кишининг ноиб Шайх Абдулазиз Мансур хаз-

ратлари билан бўлган суҳбатлар ўта илмийлиги билан ажралиб турар эди.

Дўстмуҳаммад домладан кейин эса олти йил шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларидан таълим олишга, илм ўрганишга мушарраф бўлганман. Бу кишининг қатта шахслиги ҳаммага маълум. Майда-чуйда нарсаларга эътибор қилмайдиган, мақсади олий бўлган қатта олим эдилар. У зот фаолиятлари ҳақида Эркин Малиқнинг "Шайх ҳазратлари Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф" деб номланган китобларидан ўқиб билишимиз мумкин. Шунингдек, шайхнинг укалари томонидан ёзилган "Исломига бахшида умр", деб номланган китоб ҳам устознинг умр йўллари ҳақида хикоя қилади.

Биз ҳам шогирд сифатида устознинг айрим қирраларини эсласак, ҳақиқатдан ҳам қойил қоларли ҳислат этаси эканликларини фахмлаймиз. Масалан, дарс бераётган пайтларида ўн қаторлаб, ҳатто хатбоши тугагунга қадар бир тугал фикрни араб тилида ўқисак, уни ўзбекчага баҳолатан, биттада шундай гўзал таржима қилиб, чиройли маъно-мазмунини тушинтирар эдиларки, уни қайта таҳлил қилишга ўрин қолмас эди. Донишмандларнинг фикрича, инсон қанчалик ҳозиржавоб, ҳушмуома-ла, нутқи раво ва чиройли бўлса, бу унинг етуклигини билдиради экан. Устозимизнинг таржима чоғида гапнинг эгасини ўзининг ҳеч адаштирмадан ишлата олишлари, ду-фат излаб қолмасликлари ёки ўзбекчасини тополмасдан би-

Улуғларни улаган юрт



рор ажнабий тилдаги сўзни қўлламаганликлари у зот тафаккур қувватларининг қанчалик кучли эканини билдиради. Шайхимизнинг маърузаларини тинлаганлар бўлса, албатта фикримизни тасдиқлашади. Бонси, уларнинг нутқларида бирор арабча ёки русча сўз қатнашмасди, фикрини соф ўзбек тилида ифода этар эдилар.

У кишининг дарсдан кейинги суҳбатлари топилмас, қимматбахо ҳазина эди. Айниқса, хизмат сафарига бориб келганларида сафар тафсилотларини бир бошидан, камтарлик билан "Бу сизларга ҳисобат деб ўрнида бўлсин", дея сўзлаб беради эдилар. Воқеалар ривожини билан таништирар эканлар, изох тарзида нотўғри ва тўғри ишни, адашган олимнинг нотўғри ақида-ларини, маъхазларнинг жоҳиллигини, дунёда юз бераётган тўс-тўполонларни кўн-қачлик билан, қайғуриб, сўзлаб берадилар. Ёки аксин-ча, сафар чоғида гувоҳ бўлган қадимий обидалар, масжид-мадрасаларни, ишоотларни кўрганларида мамнуният билан, хурсанд бўлиб хикоя қилардилар.

Шайхимиз жаҳонда камдан-кам инсонларга насиб этадиган узукни кўра оладиган, воқеаларни аниқ ифода этадиган фазилятларга эга олим бўлганликларини кўришимиз мумкин.

Устозимиз мустақиллик даври ҳақида шундай дердилар: "Мустақилликдан энг кўп мусулмонлар фойда қилган.

Мусулмонлар шунинг учун истиқлолни қўллаб-қувватлайди, дуо қилади, хурсанд бўлади. Инша Аллоҳ хали кўп яхшиликлар бўлади, хайру барака бўлади".

Бир сўз билан айтганда, юқорида тилга олинган ҳар икки устозимиз ҳам дунё бўйлаб тарқалган Нақшбандия тарикатининг иршодли давомчилари эдилар. Яъни иккала-лари ҳам Нақшбандия тари-катининг пиру муршиди эди-лар. Демакки, улар асрлар бўйи юртимизни дунёга маш-хур қилиб келган буюк аж-доқларимизнинг муносиб во-рислари эдилар.

Бундай саъй-ҳаракатлар жорий йилда кенг нишонла-ниши кўзда тутилган Абду-роҳим Гиждувонийнинг 925, Баҳоуддин Нақшбандийнинг 700 йиллик тўйларига муно-сиб бир тухфа десак, хато бўлмайди.

Баҳоуддин Нақшбандий: "Авлиёларни таниб қўйинглар, уларнинг номларини эслаб қўйинглар, ҳеч бўлмаса улар

Янги масжиднинг Шайх Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содиқ номи билан аталиши Улуғларимизнинг кадр-қиммати-ни яна бир қарра юксаттирди. Бу миллатимиз, халқимиз-нинг обрўйини кўкка кўтарадиган эътиборли иш бўлди. Ва у кишининг руҳини шод қиладиган, Аллоҳ таолога хуш келадиган хосиятли амалга айланди.

Президентимиз ўз чиқишларида, бу ерда ишлайдиган имомларга ва талабаларга у кишининг руҳлари мадад бериб туради, деди. Албатта, устозларимизнинг руҳлари бутун халқимизга, ҳукуматимизга, Аллоҳ таолодан мадад сўраб туради.

Масъудхон ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон Миллий университетини доценти, ЎзРФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими тарих фанлари номзоиди

ЛИЛИЯНИНГ БАХТИ

(Рассом портретига чизгилар)

УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИ

Бундан беш-олти йил бурун Ўзбек миллий академик драма театрининг рассомлар цехига Республика рассомлик коллежидан бир гуруҳ талабалар амалиёт ўташ учун келишди. Улар коллежнинг бутафория бўлими иккинчи босқичида ўқишар экан. Театрнинг ишлаб чиқариш цехлари билан таништириш вазифаси менга юклатилди.

Уларни ҳар кун ишлаб чиқариш цехларига олиб кириб таништирар эканман, талаба қизлардан бири менинг бўш пайтларда бўлажақ рассомларга тасвирий санъатдан сабоқ беришдан хабар топиб, машғулотларга қатнашсам, деб илтимос қилди. Рози бўлдим. Билдимки, унинг асл мақсади келажакда рангтасвирчи рассом бўлиш. У таълим олаётган бутафория бўлими эса асосан, театр ва кино санъати учун турли-туман нарсаларни ва буюмларни тайёрлаб беришга ихтисослашган эди.

Лилия билан худди ота-болодай қадрдон бўлиб кетдик. У асли Охангаронлик бўлиб, кўли бўшади дегунча расм чизишга тушиб кетарди. У расмлар чизишдан ташқари, дунё

рассомлари ижодини кузатиб борар, кўп китоб мутлаа олиб кириб санъатдаги жараёнларни кузатиб, маълум бир ҳулосаларга келарди. Унинг тасвирий санъатини кучли севишини вақтини қадрлашдан ҳам билса бўларди. Машғулотларни на-тураторт чизишдан бошлаб, кейинроқ эса одам су-ратини чизишга ўтдик. Қирқ йиллик тажрибадан келиб чиқиб айтмоқ-чиманки, ёшларга тасви-рий санъатнинг сирини ас-рорлардан сабоқ бериш мен учун унчалик мушкул эмас. Мен учун қийини ёшларнинг санъатга муҳаб-батини нечоғлик самимий-лигини илғаб олиб, шун-дан келиб чиқиб иш олиб боришда. Шунчаки хавас-мандаларга сабоқ бериш қийинлигидан ташқари, кел-ажакда улардан чинакам ижодкор чиқиши мушкул.



Бир неча кунда Лилиянинг юрагига тўғри "таш-хис" қўйиб улгурганим, десам хато қилмаган бўла-ман. У ўз устида тиним-сиз ишлар, маҳоратини ошириш учун барча қий-инчиликларга тайёр эди. Санъат ва ижод бу марду-майдонларнинг ишидир. Яна бир гапни айтиб ўтмоқчиманки, ҳозирги ак-тернинг ёшлар (рассомлик соҳасидаги талабалар) мустақил ишлашга келган-да, фақат интернетдан фой-даланишда. Бу кетишда келажакда улардан қан-дай ижодкор чиқиши мум-кин? Лилиянинг ўз усти-да халдан ташқари кўп ишлаётганини кўриб, унга чарчаган пайтларда ишла-

масликни, яъни дам ҳам олишни тавсия қилар эдим. Чунки рассом асо-сан тўртта нарсани, яъни рангини, очлик ва тўқлик-ни, маром(ритм)ни, шакл ҳамда тасвирда бадиийлик меzonларини ҳис қилиш орқали бирор ижобий на-тижага эришиши мумкин. Имоним қимликки, рас-сомлик бўйича сабоқ бера-диган кўпгина устозлар-нинг шогирдларига қара-та, қанча кўп ишласанг, шунчалик маҳоратинг ошиб боради, деб таъкид-лашлари мутлақо хато. Чунки санъат ва ижод туйғу ва эҳтироснинг мах-сули бўлгани ҳолда, ақл билан иш тутмасак барча ҳаракатларимиз зое кета-

ди. Лилия коллежни му-ваффақиятли якунларкан, унинг диплом иши ҳимоя-сига қатнашиб, эришган ютуқларини кўриб, онаси, яқинлари ва устоз сифа-тида менинг кўзларимдада ёш қалққан эди.

Лилия коллежни туга-тиб, К.Бехзод номидаги миллий рассомлик ва ди-зайн институтининг театр безакчилиги бўлимига ҳуж-жат топшириб, талабалар сафига қабул қилинди. Таълимсиз изланишлари самараси ўларок, тахсил-нинг иккинчи босқичида, 2015 йилда, Халқаро театр куняда "Йилнинг энг яхши театр рассоми" де-ган номиначия бўйича го-либ деб топилди. Бу ал-

батта, талаба учун қатта му-ваффақият эди. Ўша пай-тдаёқ у кўпгина театрлар спектаклига сахна бе-зақларини ишлашга муяс-сар бўлди. Сахна безакчи-лигининг бошқа санъат турларидан мураккаблиги шундаки, бунда режиссёр, драматург ва бастакор ҳамфикрлигида спектакль яратилади. Лилия ёш бўлишига қарамай, буни уддалай олди.

У ўтган йил институт-нинг бакалавр босқичини "Хўжа Наериддиннинг би-ринчи муҳаббати" номи қўвируқ спектаклига сах-на бегази ишлаб, муваф-фақиятли якунлагач, йўлдамма асосида Ўзе-бекистон давлат ёш томоша-бинлар театрида иш бош-лади. Албатта, ёш рассом-нинг бутун келажаги, ижо-ди ва ҳаёти хали олдин-да. Лекин Лилиянинг ин-тилиш ва изланишлари менга унинг келажакда ажойиб ижодкор бўлади, дея умидланишимга асос беради. Бу борада унга ижодий зафарлар тилаб қоламан.

Бобониёз ҚУРБОН, Ўзбек миллий академик драма театри рассоми

Footer containing contact information for HURRIYAT magazine, including phone numbers, email addresses, and subscription details.